

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA'LIM,
FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI
ALISHER NAVOIY NOMIDAGI TOSHKENT DAVLAT
O'ZBEK TILI VA ADABIYOTI UNIVERSITETI
JAHON ADABIYOTI VA QIYOSIY ADABIYOTSHUNOSLIK KAFEDRASI

**"SHARQ MUMTOZ POETIKASI
MUAMMOLARI:
NAVOIY VA RUMIY"**

*mavzusidagi xalqaro ilmiy-nazariy
konferensiya materiallari
2025-yil, 22-aprel*

MINISTRY OF HIGHER EDUCATION, SCIENCE AND
INNOVATIONS OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN
ALISHER NAVAI TASHKENT STATE UNIVERSITY
OF UZBEK LANGUAGE AND LITERATURE
DEPARTMENT OF WORLD LITERATURE AND
COMPARATIVE LITERATURE

*Proceedings of the international
scientific-theoretical conference titled*

**"ISSUES IN ORIENTAL CLASSICAL
POETICS: NAVO'I AND RUMI"**

April 22, 2025

Toshkent
"Nurafshon business"
2025

UO'K 845.711.05

KBK 133.585.3

"Sharq mumtoz poetikasi muammolari: Navoiy va Rumiy" mavzusidagi xalqaro ilmiy-nazariy konferensiya materiallari. – Toshkent: Nurafshon business, 2025. – 1016 b.

ISBN 978-9910-8871-6-1

Mas'ul muharrir:
Shuhrat Sirojiddinov,
filologiya fanlari doktori, akademik

Tahrir hay'ati:

Shuhrat Sirojiddinov (O'zbekiston), Münevver Tekcan (Turkiya), Uzoq Jo'raqulov (O'zbekiston), Agnieska Vojta (Germaniya), Nozliya Normurodova (O'zbekiston), Rukhsana Iftikhar (Pokiston), Almaz Ulviy (Ozarbayjon), Suvon Meli (O'zbekiston), Sergey Nikonorov (Rossiya), Akibatxon Ismanova (Qirg'iziston), Makpal Orazbek (Qozog'iston), Aleksey Pilev (Rossiya), Nurboy Jabborov (O'zbekiston), Shafiqqa Yorqin (Afg'oniston), Amir Ne'mati Lima'i (Eron), Nafas Shodmonov (O'zbekiston), Rakymjan Turysbek (Kazakhstan), Dilmurod Quronov (O'zbekiston), Gulnoz Xalliyeva (O'zbekiston), Dilnavoz Yusupova (O'zbekiston).

Sharq-islom madaniyatining ikki buyuk vakili – Alisher Navoiy va Jaloliddin Rumiy ijodi badiiyati, tarixiy-tipologik xossalariini ilmiy-nazariy tadqiq etishga qaratilgan "Sharq mumtoz poetikasi muammolari: Navoiy va Rumiy" mavzuidagi mazkur konferensiya materiallari ulkan geografik ko'lami, tipologik talqinlari, tahvilili xulosalarini bilan o'ziga xosdir. To'plam to'rt bo'limdan tashkil topgan. Har bir bo'lim o'zicha mustaqil ilmiy muammoni aks ettirishi bilan birga, Navoiy va Rumiy poetikasi sathida o'zaro umumlashadi, jahon adabiyoti, qiyosiy adabiyotshunoslik, tarixiy hamda nazariy poetika, hozirgi adabiy jarayon muammolarini aks ettirishi bilan ma'naviy-ma'rifiy, badiiy-estetik ahamiyat kash etadi.

Ilmiy to'plam adabiyot nazariyasi, adabiy tanqid, adabiyot tarixi, qiyosiy adabiyotshunoslik, tarjima nazariyasi, tarjimashunoslik bilan shug'ullanayotgan doktorant, tayanch doktorantlar; magistrant va bakalavriyat bosqichi talabalari, shuningdek, badiiy adabiyot masalalari bilan qiziquvchilar uchun mo'ljallangan.

To'plam Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universiteti Ilmiy-texnik kengashining 2025-yil 3-apreldagi yig'ilishi qaroriga asosan nashrha tavsiya etilgan.

**Mualliflar qarashlari tahririyat nuqtayi nazaridan
farqlanishi mumkin.**

UDC 845.711.05

KBK 133.585.3

Proceedings of the International Scientific-Theoretical Conference on the topic “Issues in Oriental Classical Poetics: Navoi and Rumi” – Tashkent: Nurafshon Business, 2025. – 1016 pages.

ISBN 978-9910-8871-6-1

*Editor-in-Chief:
Shuhrat Sirojiddinov,
Doctor of Philological Sciences, Academician*

Editorial Board:

Shuhrat Sirojiddinov (Uzbekistan), Münevver Tekcan (Turkiye), Uzoq Jo'raqulov (Uzbekistan), Agnieszka Wojta (Germany), Nozliya Normurodova (Uzbekistan), Rukhsana Iftikhar (Pakistan), Almaz Ulviy (Azerbaijan), Suvon Meli (Uzbekistan), Sergey Nikonorov (Russia), Akibatkhon Ismanova (Kyrgyzstan), Makpal Orazbek (Kazakhstan), Aleksey Pilev (Russia), Nurboy Jabborov (Uzbekistan), Shafiqa Yorqin (Afghanistan), Amir Ne'mati Lima'i (Iran), Nafas Shodmonov (Uzbekistan), Rakymjan Turysbek (Kazakhstan), Dilmurod Quronov (Uzbekistan), Gulnoz Khaliliyeva (Uzbekistan), Dilnavoz Yusupova (Uzbekistan).

The present conference proceedings, titled “Issues in Oriental Classical Poetics: Navoi and Rumi” focus on the scholarly and theoretical exploration of the artistic, historical, and typological dimensions of the works of two eminent figures of Eastern-Islamic culture – Alisher Navoi and Jalaluddin Rumi. With its broad geographical scope, comparative perspectives, and analytical insights, the collection offers a unique contribution to the field. The volume is organized into four sections. Each section explores a distinct scholarly issue while also highlighting the shared poetic features and mutual influences in the works of Navoi and Rumi. The discussions extend to themes in world literature, comparative literary studies, historical and theoretical poetics, and contemporary literary discourse, contributing to both intellectual and aesthetic understanding.

This collection is intended for doctoral and postgraduate researchers, as well as master's and undergraduate students in fields such as world literature, literary theory, literary criticism, comparative literature, translation theory, and translation studies. It may also be of interest to anyone engaged in the study of artistic literature.

The publication was recommended by the Scientific and Technical Council of Alisher Navoiy Tashkent State University of Uzbek Language and Literature on April 3, 2025.

The views expressed in the articles do not necessarily reflect those of the editorial board.

MUNDARIJA

- | | | |
|----|---|----|
| 1. | <i>Shuhrat SIROJIDDINOV.
IKKI BUYUK – IKKI TURK (Kirishso'z ornida)</i> | 15 |
|----|---|----|

I SHO'BA NAVOIY VA RUMIY: BADIYAT VA TIPOLOGIYA

- | | | |
|-----|---|-----|
| 2. | <i>Узоқ ЖҮРАҚУЛОВ.
МУМТОЗ ПОЭТИКАДА “ИДЕАЛ ОБРАЗ” МУАММОСИ</i> | 20 |
| 3. | <i>Қозоқбой ЙЎЛДОШ.
“ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН” ДОСТОНИДА РУҲИЯТ ТАСВИРИ</i> | 48 |
| 4. | <i>Сувон МЕЛИ.
“ХАМСА”ДА МУАЛЛИФ “МЕН”И</i> | 57 |
| 5. | <i>Gulnar Agig JAFARZADE.
THE INFLUENCE OF RUMI ON ALISHER NAVAI'S PERSIAN RUBAIYAT</i> | 68 |
| 6. | <i>Münevver TEKCAN.
ALI SHIR NAVA'I'S IMPACT ON THE TIMURID RENAISSANCE</i> | 79 |
| 7. | <i>Сергей НИКАНОРОВ.
К ВОПРОСУ О ФУНКЦИОНАЛЬНОЙ ЗНАЧИМОСТИ ЭПИТЕТОВ В СБОРНИКЕ “СОКОРОВИЩНИЦА МЫСЛЕЙ” АЛИШЕРА НАВОИ</i> | 90 |
| 8. | <i>Maқсуд АСАДОВ.
НАВОИЙ АСАРЛАРИДА ИЖОД ВА ИЖОД АҲЛИ ТАЛҚИНИ</i> | 99 |
| 9. | <i>Шоира АҲМЕДОВА.
АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ МАКТУБЛАРИ ҲАҚИДА</i> | 107 |
| 10. | <i>Гулноз ХАЛЛИЕВА, А. ЮСУПОВА.
ЕВРОПАДА РУМИЙШУНОСЛИК ВА СУЛТОН ВАЛАДНИНГ БҮЮК БРИТАНИЯДА САҚЛНААЁТГАН АСАРЛАРИ ХУСУСИДА</i> | 116 |

	<i>Оразбек МАҚПАЛ, Айнур АНАПИНА.</i>	
11.	ӘДЕБІЕТТЕГІ ИНТЕРМӘТІНДІЛІК: АБАЙ ШЫҒАРМАЛАРЫНЫң ӘЛИШЕР НАУАЙМЕН САБАҚТАСТЫҒЫ	121
	<i>Сайфиддин РАФИДДИНОВ.</i>	
12.	НАВОЙ ВА РУМИЙ ИЖОДИННИҢ ҚИЁСИЙ ЎРГАНИШ МАММОЛАРИ	128
	<i>Dilnavoz YUSUPOVA.</i>	
13.	MAVLONO JALOLIDDIN RUMIY VA ALISHER NAVOIY ASARLARIDA SAMARQAND TALQINI	137
	<i>Илхом ФАНИЕВ.</i>	
14.	ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ ВА АЛИШЕР НАВОЙ АСАРЛАРИДА ИНТЕРТЕКСТУАЛЛИК	146
	<i>Islamjon YAKUBOV.</i>	
15.	JALOLIDDIN RUMIY MEROSSI VA ZAMONAVIY O'ZBEK ROMANCHILIGI	153
	<i>Gulbahor ASHUROVA.</i>	
16.	TARIXIY SHAXS TASVIRI: NAVOIY OBRAZI	162
	<i>Qahramon TO'XSANOV, Muhammadamin JURAQULOV.</i>	
17.	RUMIY VA NAVOIY IJODIDA ILM-MA'RIFAT TALQINI	170
	<i>Mahmadiyor ASADOV.</i>	
18.	HOMO POETIKUS KONSEPSIYASI: NAVOIY VA RUMIY	
	<i>Sobit AVEZOV.</i>	
19.	BOQIYLIKKA DAXLDOR BITIKLAR	174
	<i>Адхамбек АЛИМБЕКОВ.</i>	
20.	АЛИШЕР НАВОЙИННИҢ ТУРКИЯЛИК ШОГИРДИ	182
	<i>Насиба БОЗОРОВА.</i>	
		187
21.	ХАЗРАТИ МАВЛОНОНОНИНГ "МАЖКОЛИСИ САБЪА" ("ЕТТИ МАЖЛИС") АСАРИДА НАЎТ	191
	<i>Yulduz ZIYAYEVA.</i>	
22.	"OSHIQ-MA'SHUQA-RAQIB" OBRAZI GENEZISI	198
	<i>Olmos XURRAMOV.</i>	
23.	ALISHER NAVOIYNING "HOLOTI PAHLAVON MUHAMMAD"DA TARIXIY HAQIQAT IFODASI	205
	<i>Hasamuddin HAMDARD.</i>	
24.	AMIR ALISHER NAVOIYNING HEROT MAKTABINING TUSHUNCHALARINI TEMURIYLAR SIYOSATIGA OTKAZISHDAGI ROLI	210

25.	<i>Leyla HƏSƏNOVA.</i> AZƏRBAYCAN ƏDƏBİYYATINDA ROMANTİZM	220
26.	<i>Marifat RAJABOVA, Madina IBOTOVA.</i> RUMIY VƏ NAVOIY LIRİKASIDA KO'NGİL METAFORASI	226
27.	<i>Sherxon QORAYEV.</i> MAVLAVIY "GIRDİ DARVESHLAR" NING RAQSU SAMO' MAJLISLARI	231

**II SHO'BA
SHARQ ADABIYOTIDA POETIKA
MUAMMOLARI**

28.	<i>Улугбек ҲАМДАМ.</i> ГЛОБАЛ ДҮНӘДАГИ ЙҮЛЧИ ЮЛДУЗЛАР	244
29.	<i>Zafer TOPAK.</i> ALI ŞİR NEVÂYÎ'NİN TÜRKÇE DİVANLARINDAKİ ŞİİRLE İLGİLİ BENZETMELER VE BUNLARIN ŞAIRİN POETİKASINA KATKILARI	254
30.	<i>Gulnoz XALLIYEVA, Adiba MA'DIYEVA.</i> ZAMONAVIY O'ZBEK VA NEMIS SHE'RIYATIDA BAHOR OBRAZINING BADIY TALQINI	266
31.	<i>Dilrabo QUVVATOVA.</i> MUMTOZ POETIKADA MASNAVIYGA OID QARASHLAR TALQINI	275
32.	<i>Вусала НАСИБОВА.</i> КОМПЛЕКС НОВРУЗОВСКИХ ОБРЯДОВ В АЗЕРБАЙДЖАНСКОЙ ЛИТЕРАТУРЕ	279
33.	<i>Диляра ХАЛИЛОВА.</i> К ВОПРОСУ О МЕЖКУЛЬТУРНОМ ПОТЕНЦIAЛЕ ХУДОЖЕСТВЕННЫХ ТЕКСТОВ НАВОИ И ПУШКИНА В ПРЕПОДАВАНИИ РУССКОГО ЯЗЫКА	285
34.	<i>Orazbek MAQPAL, Әнуар ЗЕРДЕ.</i> НҮРЛАН МӘҮКЕНҰЛЫ ШЫҒАРМАШЫЛЫҒЫ ЖӘНЕ АБАЙ ДӘСТУРИ	289
35.	<i>Olim OLТИНБЕК.</i> RAUF PARFI SHE'RLARINING VAZN XUSUSIYTLARI	297
36.	<i>Farhad RAHİMİ.</i> FERAĞÎ'NİN MİFTAHU'L-LÜGAT SÖZLÜĞÜNÜN DÜZENİ VE EL YAZMASI ÜZERİNE	312

37.	<i>Orzigel HAMROYEVA.</i> QOFIYAGA OID BIRLIKLARNING QIYOSIY TAHLILI	325
38.	<i>Ainisa AKMATOVA, Makhlie NAZAROVA</i> THE SPECIFIC PECULIARITIES OF THE IMAGE "WOMAN" IN THE EPIC MANAS AND IN ALISHER NOVOIY'S WORKS	333
39.	<i>Tojxi HOPOV.</i> АЛИШЕР НАВОЙЙ БОРЛИҚ ФАЛСАФАСИДА КОСМОС, МАКОН ВА ЗАМОН ТАЛҚИНІ	341
40.	<i>Rustam SHARIPOV.</i> МАHMUDUXO'JA BEHBUDIY VA ABDURAUF FITRATNING MILLIY DAVLATCHILIK HAQIDAGI QARASHLARI	353
41.	<i>Feruza BURXANOVA.</i> BADIY SO'Z JILOSI	370
42.	<i>Ольга ЧИЖИКОВА, Ирина ЯНОВСКАЯ.</i> ЧЕРТЫ КОСМИЗМА В СТИХОТВОРЕНИИ НИКОЛАЯ КЛЮЕВА "БЕЛАЯ ИНДИЯ" И В НЕКОТОРЫХ ПРОИЗВЕДЕНИЯХ ВОСТОЧНЫХ АВТОРОВ	377
43.	<i>Komiljon HAMROEV.</i> SHARQ NIKOYATLARINING TIPOLOGIK XUSUSIYATLARI	386
44.	<i>Нилуфар УМАРОВА.</i> УЛЖАС СУЛАЙМОНОВ ШЕРЬИЯТИ	393
45.	<i>Zebiniso BEKMURADOVA.</i> PAREMIYADA XIAZM	399
46.	<i>Азамат ХАЙРУЛЛАЕВ.</i> НОРМУРОД НОРҚОБИЛОВ ҲИКОЯЛАРИДА ОНОМАСТИКА	404
47.	<i>Салават АЮПОВ.</i> ОТЗВУКИ РУССКОЙ КЛАССИКИ В ЧЕХОВСКОМ ЭТЮДЕ "БЕЗНАДЕЖНЫЙ"	422
48.	<i>پوھنیار امرالله محمدی</i> بررسی زبان شناسانه استعارة مفهومی عشق در اشعار فارسی نوابی <i>Tozagul MATYOQUBOVA.</i>	429
49.	<i>G'AFUR G'ULOM SHE'RİYATIDA LIRIK QAHRAMON VA KECHINMANING POETIK IFODASI</i>	437
50.	<i>Ирина ЯНОВСКАЯ, Ольга ЧИЖИКОВА.</i> СКУЛЬПТУРНЫЕ ОБРАЗЫ В ПРОИЗВЕДЕНИЯХ А.С.ПУШКИНА	445

	<i>Шоҳрат Нусрат МАМЕДОВА.</i>	
51.	ЭТНОКУЛЬТУРНАЯ СЕМАНТИКА ДЕТСКИХ ДРАМ МИРВАРИД ДИЛЬБАЗИ	453
52.	<i>Umida ABDULLAYEVA. "SHAYX SAN'ON" QISSASIDA USTOZ-SHOGIRD MASALASI</i>	466
	<i>Yorqinoy NASIRDINOVA.</i>	
53.	ALISHER NAVOIY OBRAZI FRANSUZ ADABIY VA TARIXIY TAFAKKURIDA	470
54.	<i>Sayid Nurulloh AMINYOR. ALISHER NAVOIY MA'RIFATNING PORLOQ QUYOSHI</i>	478
55.	<i>Qatabek BABAYEV, Munisa BOLTAYEVA. ÜBERSETZUNGSMETHODE VON TECHNISCHEN TEXTEN</i>	491
	<i>Нуриддин УБАЙДУЛЛАЕВ.</i>	
56.	"ТАНАЗЗУЛ" РОМАНИДА МУСУЛМОНҚУЛ МИНГБОШИ ОБРАЗИ	496
57.	<i>Matluba MAMADIYAROVA. "ALPOMISH" VA "BEOVULF" EPOSALARIDA AYOL FENOMENI</i>	503
58.	<i>Mahbuba QARSHIYEVA. ALISHER NAVOIY: MATNSHUNOSLIK VA MANBASHUNOSLIK</i>	508
	<i>Feruza SAPAYEVA.</i>	
59.	MAXTUMQULI ASARLARINING TURKIY TILLARDAGI TARJIMALARI VA ULARNING TADQIQI	514
60.	<i>Bahor SHUKUROVA. BADIY ADABIYOTDA RAMZIY OBRAZLAR TALQINI</i>	522
	<i>Nodira SAIDOVA.</i>	
61.	"NAVOIY VA ILOHIYOT"DA "GERMENEVTIK DOIRA" DAN FOYDALANISH	530
	<i>Sevinchoy YOQUBOVA.</i>	
62.	XX ASR BOSHLARI O'ZBEK SHE'RIYATINING YANGILANISH OMILLARI	534
	<i>Нибуфар ДИЛМУРОДОВА.</i>	
63.	АСАД ДИЛМУРОД ЭССЕЛАРИНИНГ ГЕНЕТИК АСОСЛАРИ, УЛАРДА МУАЛЛИФ ИФОДА УСЛУБИ ВА БАДИЙ- ЭСТЕТИК КОНЦЕПЦИЯСИ	541
	<i>Nodira XUDOYNAZAROVA.</i>	
64.	JALOLIDDIN RUMIY VA ALISHER NAVOIY JAHON ADABIYOTI KONTEKSTIDA	547

	<i>Maftuna NORQULOVA.</i>	
65.	"HALI HAYOT BOR..." QISSASIDA QAHRAMON KONSEPSIYASI	552
66.	<i>Dilnavoz BOYZOQOVA.</i> "YUSUF VA ZULAYHO" QISSASIDA OBRAZ TALQINI	560
67.	<i>Махфузахон ХОМИДОВА.</i> "БАДОЙИЙ УЛ-БИДОЯ"ДА ИНТЕРТЕКСТУАЛЛИК	568

**III SHO'BA
NAVOIY VA RUMIY IJODIDA MA'RIFAT VA
MILLIYAT MASALALARI**

	<i>Nafas SHODMONOV.</i>	
68.	"LAYLI VA MAJNUN" DOSTONI SYUJETI VA G'OYASINI SHAKLLANTIRGAN BA'ZI OMILLAR	578
69.	<i>DR. KEMAL YAVUZ ATAMAN.</i> OSMANLI DEVLETİ'NİN MANEVİ VE HAKİKİ MÜESSİSİ MEVLÂNÂ CELÂLEDDİN-İ RÛMÎ	584
70.	<i>G'ayrat MURODOV, Shahlo SA'DULLAYEVA.</i> MURSHID VA MURID MUNOSABATI	592
71.	<i>Нұсратулло ЖУМАХҰЖА.</i> ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ "МАСНАВИЙ МА'ННАВИЙ" АСАРИНИНГ КИРИШ ҚИСМИ МАЗМУНИГА ЧИЗГИЛАР	602
72.	نویسنده: پروفیسور دکتر فضل الرحمن فقیهی هروی نقش امیر علیشیر نوابی در تمثیل‌آفرینی دوره تیموریان هرات	607
73.	<i>Darmonoy O'RAYEVA.</i> RUMIY VA HOZIRGI O'ZBEK SHOIRLARI IJODIDA DUNYO TA'RIFI	619
74.	<i>Ulkar BAKHSHIYEVA.</i> THE ARTISTIC-AETHETIC FEATURES OF THE MYTHOLOGICAL APPROACH IN NIZAMI GANJAVI'S POEM "ISKANDARNAMA" (IN THE CONTEXT OF LEGENDS RELATED TO KHIDR)	624
75.	بشير احمد قرداش صالح	634
76.	<i>Odiljon AVAZNAZAROV.</i> NAVOIY DOSTONLARIDA "QADAM" METAFORASI	642

	<i>Toji NOROV.</i>	
77.	ALISHER NAVOIY FALSAFIY MEROSINING ILOHIY-MA'RIFIY VA MAFKURAVIY ASOSLARI	649
78.	<i>Saodat MUMINOVA. AQL VA IDROK O'RTASIDAGI MUVOZANAT</i>	662
	<i>Мустафа БАЙЭШАНОВ.</i>	
79.	"ПЯТЕРИЦА" НАВОИ В СОКРОВИЩНИЦЕ МИРОВОЙ ЛИТЕРАТУРЫ	667
80.	<i>زینب نوروز علی ؛ شاد محمد سهاب جایگاه عقل در اشعار امیر نظام الدین علیشیر نوابی</i>	671
	<i>Usmon QOBILOV.</i>	
81.	ON THE INTERPRETATION OF THE TRUE OF HUMANITY AND THE UNIVERSE IN ARTISTIC CREATIVITY	678
82.	<i>دکتر نورالرخمن ناصح انسان كامل و انسان شناسى از نظر على شير نوابى و مولانا با روپىكىد تېلىقى</i>	687
83.	<i>Адхамбек АЛИМБЕКОВ. АЛИШЕР НАВОЙ ҲАҚИДА ТУРК ДОСТОНИ</i>	693
	<i>Hamza ATEŞ, Kemal ATAMAN.</i>	
84.	MAVLONO JALOLIDDIN RUMIY ASARLARIDA İJTIMOIY O'ZGARISHLAR	700
85.	<i>Мавжуда НУРИДДИНОВА, “БОР КИТОБИ, ЛЕК ПАЙГАМБАР ЭМАС...”</i>	710
86.	<i>Shohista NIYOZOVA. MILLIY QADRIYATNING TAMAL TOSHI</i>	720
87.	<i>Duygu KOCA. ALI ŞİR NEVÂYÎ'NİN ESERLERİNDEN AHLAKÎ DEĞERLER</i>	727
88.	<i>Iroda ISHONXANOVA. XX ASR 40-YILLARIDA NAVOIYSHUNOSLIK</i>	
89.	<i>Ойдин ТУРДИЕВА, Ойша ШУКУРОВА. РУМИЙ ҒАЗАЛЛАРИДА ТИНЧЛИК ҒОЯСИ ТАЛҚИНИ</i>	734
90.	<i>Nargiza SHOALIYEVA. RUMIY VA NAVOINIING ISHQQA OID QARASHLARI</i>	741
		747

**IV SHO'BA
NAVOIY VA RUMIY
YOSH TADQIQOTCHILAR TALQINIDA**

91.	<i>Malika SUYUNOVA.</i> HAMZA VA XALQ TEATRI	766
92.	<i>Laylo TO'YCHIYEVA.</i> "ULISS" ROMANIDA TRAGIK VAZIYAT XRONOTOPI	772
93.	<i>Nilufar HAITOVA.</i> HAMID OLIMJON – NAVOIYSHUNOS	
94.	<i>Shaxnoza TURSUNOVA.</i> SIZIF OBRAZI: TURFA TALQINLAR	777
95.	<i>Madina VAHODOVA.</i> "NAVOIY KIRMAGAN UYLAR QORONG'U"	781
96.	<i>Sayohat ARZIQULOVA.</i> FATMA SHENGIL SUZAR IJODIDA RUMIY AN'ANALARI	786
97.	<i>Osiyo SIDDIQOVA.</i> KOMIZM XÜSUSIDA BIR-IKKI SO'Z	794
98.	<i>To'lg'anoy QULJANOVA.</i> ASQAR MAHKAM IJODIDA RUMIYONA OHANGLAR	
	<i>Sabinabonu BERDIYEVA.</i>	802
99.	"ADABIYOTSHUNOSLIK LUG'ATI" NING ELEKTRON MOBIL ILOVASINI YARATISH XUSUSIDA	810 815
100.	<i>Huriniso MENGLIYEVA.</i> DUNYONING AZALIY SAVDOSI	819
101.	<i>Баходир ЖОВЛИЕВ.</i> УНИВЕРСАЛ ОБРАЗЛАР КҮЛАМИ	825
102.	<i>Zilola JO'RAYEVA.</i> NAVOIY VA RUMIY ASARLARIDA TASAVVUF TIMSOLLARI	
103.	<i>Divora O'KTAMOVA.</i> ALISHER NAVOIY FARDLARINING O'RGANILISHI	829
	<i>Hediye Zeynep KÖŞEK.</i>	834
104.	ALI ŞİR NEVÂİ VE MEVLÂNÂ CELÂLEDDİN RUMÎ'NİN ESERLERİNDE TAKVÂ	839
	<i>Selenay SAHİN.</i>	
105.	ALI ŞİR NEVÂİ VE MEVLÂNÂ'NIN SANATSAL VE DÜŞÜNSEL YAKLAŞIMLARININ MİMARİ ESERLER ÜZERİNDEKİ ETKİSİ: SOSYO-KÜLTÜREL BİR DEĞERLENDİRME	849

	<i>Nodirjon G'AFUROV, Shahnoza YO'L DOSHEVA.</i>	
106.	NAVOIY "XAMSA"SI VA RUMIY "NAYNOMA"SIDA "NAY" TIMSOLI	856
107.	<i>Noila ROXATALIYEVA.</i> "DEVONA" VA "JUNUN" TUSHUNCHALARI TALQINI	861
	<i>Sema DÜLGAR.</i>	
108.	ŞAİR FÂTIMA HANIM VE KÜTAHYA MEVLEVÎHÂNESİNE ETKİLERİ	866
	<i>İrem ERDEM.</i>	
109.	ALÌ ŞIR NEVAÎ'NİN MUHAKEMETÜ'L-LUĞATEYN ADLI ESERİNDE EŞANLamlılık	872
	<i>Dilfuza ISMOILOVA.</i>	
110.	"BIR AYOL HAYOTIDAN 24 SOAT" NOVELLASINING KOMPOZITSION TAHLLİLİ	881
111.	<i>Beyza ÖZER.</i> MËKANDAN LÂMEKÂNA: ALÌ ŞIR NEVAÎ VE MEVLÂNÂ	888
	<i>Ahmet Berat COŞKUN.</i>	
112.	MUHÂKEMETÜ'L-LUGATEYN'DE GEÇEN İŞ/HAREKET BILDIREN FIILLER VE BU FIILLERİN KUZEYBATI/KIPÇAK TÜRK LEHÇELERİNDEKİ GÖRÜNÜMLERİ	897
113.	<i>Aziz NORQULOV.</i> "NASOYIM" PINJIDAGI UMR	910
114.	<i>Saodat FAYZIYEVA.</i> JADID MATBUOTIDA NAVOIY IJODI TADQIQI	916
115.	<i>Jobir ISMATILLOYEV.</i> MUNIS IJODIDA NAVOIY AN'ANALARI	
116.	<i>Dovud XO'JAQULOV.</i> NAVOIY VA RUMIY IJODIDA SABR TUSHUNCHASI	924
117.	<i>Nazokat G'OFUROVA.</i> BILGAMISH - BUYUK SHARQNING QADIM DURDONASI	930
	<i>Nargiza SHAMIYEVA, Jazira TULEGENOVA,</i>	
	<i>Nargiza XOLBOBOYEVA.</i>	934
118.	COMPARATIVE STUDY OF MEANING EXPANSION AND NARROWING OF QUALITATIVE ADJECTIVES IN ENGLISH AND UZBEK	938
119.	<i>Go'zal OMONOVA.</i> JALOLIDDIN RUMIY HIKOYALARIDA XULQ-ATVOR MASALASI	944
120.	<i>Madina TURSUNOVA.</i> MARLO VA SHEKSPIR: IJODIY PARALLELLAR VA FARQLAR	949

	<i>Shodiya TURSUNALIYEVA.</i>	
121.	"ABU RAYHON BERUNIY" DRAMASIDA FOJIAVIY VAZIYATLAR TALQINI	952
	<i>Gulzoda SAFAROVA.</i>	
122.	ERKIN A'ZAMNING "ANOYINING JAYDARI OLMASI"	957
	HIKOYASIDA IDILLIYAVIYLIK	
	<i>Nozima KARIMOVA.</i>	
123.	YOVUZ BAHODIR O'G'LINING "YONAYOTGAN BUXORO"	964
	ROMANIDA TARIXIY HAQIQAT	
	<i>Suhrobjon ZIYODOV.</i>	
124.	YOSHLAR SHE'RIYATIDA NAVOIYGA MUROJAAT	970
	<i>Sherzod USMONOV.</i>	
125.	ZEBO MIRZO SHE'RIYATIDA METAFORIK OBRAZLAR	977
	<i>Narmin BABAева.</i>	
126.	ЭТИОЛОГИЧЕСКАЯ СЕМАНТИКА МИФОЛОГИЧЕСКИХ ОБРАЗОВ	983
	<i>Yüsra KARACA.</i>	
127.	HZ. MEVLANA'NIN YOLU VE HAT SANATI	993
	<i>Lobar BERDIYEVA.</i>	
128.	SHAVKAT RAHMON SHE'RIYATIDA RAMZIYLIK	999
	<i>Gulsevar MAMANOVA.</i>	
129.	"YUSUF VA ZULAYHO": GENEZIS MASALASI	
	<i>Shahzoda VALIJONOVA.</i>	1006
130.	NAVOIY E'TIROF ETGAN XAMSANAVIS	
	<i>Dilrabo HAYDAROVA.</i>	
131.	O'ZBEK-TURK HIKOYALARIDA KOMIKLIK	1014
	<i>Saida DAVRONOVA.</i>	
		1018
132.	ALISHER NAVOIY FAOLIYATINING O'ZBEKİSTON KİNOFOTOFONO MILLİY ARXIVI HUJJATLARIDA YORİTİLISHİ	1022
	<i>Mirjalol SODIQOV.</i>	
133.	"BUYUKLAR TUHFASI" - MUMTOZ ADABIYOT TARIXIGA DOİR TADQIQOT	1029
	<i>Muhabayo İSTAMOVA.</i>	
134.	AYOL OBRAZI JOZIBASI	1036
	<i>Iroda ESHMURADOVA.</i>	
135.	YANGI DARSLIKLAR HAQIDA	1041

136.	<i>Ruxsora UNAROVA</i> AHMAD A'ZAM HIKOYALARIDA "JUMBOQ" TASVIRI	1048
137.	<i>Maftuna USMONOVA</i> NAVOIYDA "SHOH" VA "GADO" TUSHUNCHALARI TALQINI	1052
138.	<i>Nigora TOSHMURODOVA</i> FURQAT VA MA'RIFATPARVARLIK G'OYASI SHARIF YUSUPOV TALQINIDA	1057
139.	<i>Muxlisa ASHIRMATOVA</i> NAVOIY VA RUMIY: MUSHTARAK DIDAKTIKA	1068
140.	<i>Dilnavoz NAJIMOVA</i> MUMTOZ TURKIY ADABIYOTNI BOLALAR ONGIGA YETKAZISH AMALIYOTIGA DOIR	1074
141.	<i>Parvina NARZULLOYEVA</i> XAMSA DOSTONLARIDA UCHRASHUV MOTIVINING O'RNI	1083
142.	<i>Roza QURBONOVA</i> NAVOIY VA RUMIY ADABIY MEROSINING BOSHQA TILLARGA TARJIMASI VA CHET ELLARDA O'RGANILISHI	1090
143.	<i>Nigina FAYZULLAYEVA</i> A.S.PUSHKIN VA F.M.DOSTOYEVSKIY ROMANLARIDA EPISTOLYAR JANRNING BADIY-ESTETIK FUNKSIYASI	1097
144.	<i>Ayşe ÖZTOKLU, Sümeyye ÇAĞLAR YILMAZ</i> MEVLÂNÂ CELÂLEDDİN RÛMÎ'NİN MESNEVİ'SİNDE Hz. MUSA KISSASINDAN KESİTLER	1104

Узоқ ЖҮРАҚУЛОВ,
филология фанлари доктори, профессор
(ТошДҮТАУ, Ўзбекистон)
Doi. 10.52773/tsuull.conf.2025/FOHB4357

МУМТОЗ ПОЭТИКАДА “ИДЕАЛ ОБРАЗ” МУАММОСИ

Аннотация. Тадқиқот мумтоз поэтикада идеал образнинг қай тарзда намоён бўлиши муаммосини ўрганишга қаратилган. Идеал образ тушунчасининг тарихий-генетик, диний-маърифий, назарий-эстетик асослари хусусида фикр юритилган. Идеал образнинг туркӣ бадиий тафаккур, айниқса, Алишер Навоий “Хамса”сидаги ўрни ва мақоми таҳлилий асосланиб, муҳим назарий хуласалар илгари сурйилган.

Abstract: This study examines the manifestation of the ideal image within classical poetics, addressing its historical-genetic, religious-enlightenment, and theoretical-aesthetic foundations. Particular attention is given to the role and significance of the ideal image in Turkic artistic thought, with a focused analysis on its representation in Alisher Navoi's Khamsa. The research offers analytically grounded insights and puts forward significant theoretical conclusions.

Калим сўзлар: Образ, идеал образ, тарихий образ, реалистик образ, романтик образ, эпик тафаккур, эпик сюжет, эпик композиция, бадиий услуб, бадиий ифода, бадиий тасвир, бадиий хронотоп, “Хамса”, хамса образлари, нури Мұхаммад, меъроҷ, ломакон, меъроҷ вақти.

Keywords: Image, ideal image, historical image, realistic image, romantic image, epic thinking, epic plot, epic composition, artistic style, literary expression, artistic depiction, literary chronotope, Khamsa, characters in Khamsa, The light of Muhammad (An-Nûr al-Muhammadi), Mi'raj, Lamakân, Time of Mi'raj.

Мумтоз поэтика лирик, лиро-эпик ва эпик образларнинг хилма-хил шаклларини тақдим этиб келади. Жараён бугун ҳам муайян маънода давом этяпти. Айни образлар тизимида идеал образлар тарихий-типологик, тарихий-генетик, бадиий-эстетик нуқтаи назардан универсал моҳияттга эга. Уларнинг тарихий асосга әгалиги, бошқа реал тарихий образларда бўлганидек, образга хос идеаллик даражасини пасайтирумайди, аксинча, идеаллилик сифати доирасида таянч образ, концептуал образ тушунчаларини ҳам жамлайдики, бу жиҳат муаммонинг маҳсус ўрганиш лозимлигини кўрсатади.

Идеал тарихий образлар бошқа тип образлардан қуидаги жиҳатларига кўра фарқ қиласи: а) улар замон нуқтаи назаридан идеал ўтмишни акс эттиради; б) муаллиф учун этик таянч, эстетик идеал, ибрат манбай мақомида туради; в) хусусан, Алишер Навоий “Хамса”си бадиий контекстида тарихий-бадиий категорияларни синтезловчи муҳим восита бўлиб келади ва асар хронотоп майдонида айни функцияни бажаришга йўналтирилади. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, идеал тарихий образлар қуидаги мезонларга кўра муаллиф, унга замондош ўқувчи ва кейинги авлодлар учун идеал ҳисобланади: биринчидан, ушбу образларга асос бўлган тарихий шахслар илоҳий китобларда зикр қилинганилиги; иккинчидан, улар ўз ҳаёт йўллари давомида инсониятга ибрат бўларлик даражада идеал турмуш тарзини намоён этганлари; учинчидан, юксак даражадаги альтруизм, яъни ўз фаолиятларини ўзгалар маърифати, баҳт-саодатига йўналтирганлари; тўртинчидан, реал ҳаётнинг ўзида идеал шахс, афсона-одамга айланганлари; бешинчидан, вафотларидан кейин улар ҳақида ривоятларнинг пайдо бўлиши, оғиздан-оғизга ўтиб, асрлар давомида унитил-маслиги; олтинчидан, улар ҳақида тарихий ва бадиий асарлар ёзилиши ва ҳ.к.

Мазкур образларнинг фольклорга оид, тарихий ва бошқа тип ёзма асарларда қай шаклда намоён бўлиши жаҳон адабиётшунослигининг ҳамон тўла ўрганилмаган, айни пайтда, салмоқли муаммоларидан ҳисобланади. Фарб адабиётшуносларининг Инжил ва жаҳон фольклори бўйича олиб борган айрим тадқиқотларини қайд этган ҳолда шуни ҳам таъкидлаш жоизки, уларнинг бирортасида масала айнан биз қўймоқчи бўлаётган шаклда қўйилмаган. Кўп ҳолларда илоҳий китоб (хусусан, Инжил) мотивлари миф ва фольклор мотивлари билан қориштириб юборилган. Баъзизда эса, бу тип тадқиқотларда материалистик методологиянинг етакчилиги, миллӣй, худудий нуқтаи назардан, субъктивликка йўл қўйилганлиги кузатиласиди¹. Қолаверса, ҳали бирор тадқиқотда биз қайд этган

1 Бу ўринда С.Креамернинг “Тарих Шумердан бошланади”, Ж.Фрезернинг “Катта аҳдда фольклор”, А.Афанасьевнинг “Олтин бутоқ” типидаги асарлар, К.Юнгнинг “архетип” ҳақида қарашлари назарда тутилмоқда (- У.Ж.).

образларга тарихий образ сифатида қаралмаган. Уларнинг миф ёки афсона контекстида эмас, балки тарихийлиги, шу билан бир қаторда идеаллиги, бадиий образга күчиш сабаблари ва усуллари хусусида маҳсус тадқиқотлар олиб борилмаган.

Рус олими М.Бахтин эпос ва роман образлари ва уларнинг бошқа образ шакллари билан муносабати хусусида сўз юритганда “идеал ўтмиш”, “даҳлсиз ўтмиш” тушунчларани қўллайди. Бу тушунча моҳиятини кўпроқ инсоннинг психологик ҳолатлари билан боғлаб тушунтиради. Бундай даҳлсизлик остида узоқ ўтмишда яшаган кишилар турмуш тарзининг ижодкор омма томонидан идеаллаштирилиши ётиши ва бунинг реал тарихий асосга эга эканини таъкидлайди¹. “Хамса”даги идеал тарихий образлар илдизи ҳам маълум даражада М.Бахтин сўз юритган фольклор образлари илдизларига яқин. Идеал ўтмиш, идеаллаштирилган тарихий образ масаласида фольклор кўпинча бадиий-психологик омилларга таянади. Айтувчи, ижро этувчи ва тингловчи, томоша қилувчи ўртасидаги психологик муносабат бу ўринда муҳим аҳамият касб этади. Аммо фольклор ва мумтоз Шарқ адабиёти манбаларидаги идеал тарихий образлар талқинида конкрет фарқ мавжуд. Фольклор асари ижодкори тарихий шахсларга муносабатда бир қадар жўн, оммага хос мезонларга таянади. Идеал тарихий образга нисбатан, асосан, оломонга хос интуитив позицияда туради. Унинг учун эътиқодий позиция, реал тарих, тарихий ҳақиқат, қиёслаш, мушоҳада этиш учналик катта қийматга эга эмас. Айттайлик, пайғамбар образи фольклор асари учун ғайритабии хусусиятларга эга, оддий одамларга ўхшамаган, бир идеаллаштирилган сиймо, холос. Мумтоз адабиёт манбалари эса буни тамомила бошқача талқин этади. Уларда тарихий идеаллик, аввало, мустаҳкам эътиқодий позициядан, иккинчидан, олий реализм тамойилларидан келиб чиқади. Омма мантиқи изоҳини топа олмаган, натижада, романтик талқин этган воқеа-ходисалар мумтоз адабиётда олий мантиқ асосида соғреал воқелик сифатида талқин этилади (масалан, Оллоҳ билан

1 Қаранг: Бахтин М. Романда замон ва хронотоп шакллари. Тарихий поэтикадан очерклар. Рус тилидан У.Жўракулов таржимаси. – Т.: Akademnashr, 2015.-Б. 124-126.

мулоқот, ўликни тирилтириш, ойни иккига бўлиш, меърож ва ҳ.к.). Навоий “Хамса”сидаги тарихий образлар тасвирида биз мана шундай олий реализм намуналарига дуч келамиз.

Биз қайд этган идеал тарихий образлар ичида муаллиф энг кўп мурожаат этган образ Мұхаммад алайҳиссалом образла-ридир. “Пайғамбарлар тарихи”, “Мұхаммад алайҳиссалом сий-ратлари”, “Меърожнома” сингари тарихий, халқона ва қисман фольклорлаштирилган асарларда бу образ ё мутлақ тарихий ёки мутлақ идеаллаштирилган шаклда намоён бўлади. Дейлик, тарихий асарларда Куръони карим ва ҳадисларда келган са-ҳих ривоятларга, реал тарихий далилларга изчил тарзда риоя қилинса, фольклорлаштирилган, халқона асосда бадиийлаш-тирилган асарларда эса нисбатан идеаллаштириш, афсонага мойиллик сезилади¹. “Хамса”гача ёзилган мумтоз достонларда, айниқса, “Хамса”да мана шу реаллик ва идеаллик мезонининг ягона нуқтада – олий реализм мезони остида уйғунлашгани-га гувоҳ бўламиз. Бошқача айтганда, бу образ ўз моҳиятига кўра олий даражада идеал (аммо идеаллаштирилмаган), айни пайтда бу идеаллик унинг реаллигига соя сола олмайди, бал-ки Мұхаммад алайҳиссаломга доир барча воқеа-ходисаларнинг мутлақ реаллигига далолат қиласдики, бизнингча, том маънода олий реализм бундан ўзгача бўлиши мумкин эмас.

“Хамса”даги ҳар бир достон дебочасида, албатта, бу образга дуч келамиз. Барча дебочаларда Мұхаммад алайҳиссаломнинг тарихий ҳаёт йўлларига оид муайян эпизодлар бевосита шу достон мавзуси, ундаги сюжет йўналиши, қаҳрамонлар табиа-ти билан боғлиқ ҳолда тасвир этилади. “Хамса”нинг биринчи достони дебочасида Мұхаммад алайҳиссалом ҳаётларига оид бешта наът берилган. Бу беш наът аввало, пайғамбар (а.с.) ҳаё-тини тарихий жиҳатдан акс эттиrsa, иккинчидан, қолипловчи достон бадиий ғоясини умумлаштириб ифодалашга хизмат қилган.

1 Иккинчи тип (қисман фольклорлаштирилган) асарлар дейилганда, асосан, “Меърожномалар”, халқ қиссаларини назарда тутяпмиз. Бундай асарлар ке-йинчалик ёзма адабиётга ҳам ўз таъсирини ўтказгани, бундан икки-уч аср олдинги ёзма адабиётда ярим фольклорлашган қиссалар, ҳикоятлар, дос-тонлар пайдо бўлгани маълум (- У.Ж.).

“Хамса”даги Мұхаммад алайҳиссалом образларига доир әпізодлар тизими ўта улкан хронотоп құламиға эга. Биргінде мейрөж воқеасининг ўзи наинки бадий хронотоп, мұмтоз поэтиканың барча муаммолари юзасидан маҳсус тадқиқоттар олиб боришни талаб этади. Шу нұқтаи назардан айни образ талқиниң оид құйидаги күзатышларнинг мұхтасар тезис қийматига эга бўлишини қайд этиш ўринли бўлади, деб ўйлаймиз.

Навоий “Хамса”сида талқин этилган Мұхаммад алайҳиссалом образлари бир қанча катта-кичик хронотоп шаклларини ўз ичига олади. Уларнинг барчасига батафсил тўхталишнинг имкони йўқлигини назарда тутиб, бу ўринда мазкур образга хос тўртта энг мұхим хронотоп шакли хусусида тўхталамиз. Буларни “Хамса” концепциясига кўра “нури Мұхаммад (а.с.)”; пайғамбарлик миссияси ва биографияси: пайғамбарлик мұхри, аждодлари, ватани, “хотам ул-анбиё”лиги; мейрөж воқеаси; ойнинг бўлиниши хронотоплари тарзида таснифлаш мумкин. Биринчи достонни истисно қилганда ҳам, тасниф учун маҳсус ажратиб олинган тўрт хронотоп шакли кейинги тўрт достон образлари тизимида мұхим ўрин тутади.

1. *“Нури Мұхаммад” хронотопи.* Бу хронотоп шакли Навоий “Хамса”сидаги деярли барча достонларда бор. Шунингдек, у нафақат “Хамса”, балки Навоий асарларида тасвир этилган юзлаб хронотоп шакллари ичида энг қадимийси, бошқача айтганда, барча хронотоп шаклларининг ибтидоси ҳисобланади. Бунга кўра ҳали замон-макон, яъни барча оламлар ва замонлар, фаришталар, жон (руҳ), одамзот, жонли ва жонсиз мавжудот яратилмасидан бурун Мұхаммад алайҳиссаломнинг нурлари мавжуд эди. Махлуқот борки, унинг асосида шу нур туради. Яъни

Мұхаммад “коф”у “нун”ға қуррат ул-айн,

Туфайли “кавн”ўлуб, йўқ, йўқки кавнайн... (“Ф.Ш.”, 17 бет.)

Мазмуни: Мұхаммад алайҳиссалом “кун” – “ярал” амрига нур (равшанлик) берган зот. Фақат бу олам (“кавн”) эмас, балки икки олам (“кавнайн”) шу нур туфайли мавжуддир. Ёки:

Эй нурунг ўлуб жаҳонға собиқ,

Балким тўқуз осмонға собиқ... (“Л.М.”, 17 бет.)

Мазмуни: Нуриң бутун жақондан, балки түккіз осмондан аввал ҳам бор эди. Бугунги адабий тилимизда, жонли сұзлашувда “собиқ” сүзи бўлиб ўтган, вазифасини ўтаб бўлган маъноларини англатади. Мумтоз шеърият контекстида эса бу сўз ибтидо, бошланғич, ҳамма нарсадан аввалги маъносида келади. Ушбу байтда эса Мұхаммад алайҳиссалом нурлари икки жақон у ёқда турсин, балки түккіз осмон (бу ўринда түккіз осмон бирикмаси метафорик планда келган. Аслида етти осмон+Курсий ва Аршни ифода этган)дан ҳам илгари мавжуд эди деган мазмун илгари суриляпти.

Балки Одам ўғуллуғунгдин шод,

Валадингға жақон эли авлод.

Анга зоҳир тақаддуми оти,

Санга лекин тақаддуми зоти.

Сен муқаддам демайки Одамдин,

Қайси Одамки, борча оламдин... (“С.С.”, 21 бет.)

Ёки:

Бу сабқатки зотингга берди Аҳад,

Сенга Бул-башар тонг йўқ ўлмоқ валад.

Атолиққа суратда пайванд эрур,

Вале асли фитратда фарзанд эрур... (“С.И.”, 20-21 бет.)

Маълумки, башарият тарихи Одам алайҳиссаломдан бошланади. Барча диний, тарихий, фалсафий, табиий илмлар илк одам дейилганда Одам алайҳиссаломни назарда тутади. Шу сабаб инсоният бир сўз билан “бани Одам” (Одам болалари), Одам алайҳиссалом эса “Абулбашар” (башарият отаси) деб аталади. Бу далил мутлақ ҳақиқат экани ва уни ҳеч бир мантиқ, ақлий мушоҳада, муқояса инкор эта олмаганидек, юқоридаги байт мазмуни билан ҳам қарама-қарши қўйиб бўлмайди. Бизнингча, бу икки буюк воқеа моҳиятини тўғри англаш учун уларнинг жорий бўлиш замони ва маконидан келиб чиқиши лозим. Хронотоп кўламига кўра “нури Мұхаммад” воқеаси том маънода мутлақ замонга тегишли. Бу замон шундай замонки, унинг ўлчови, ибтидо ва интиҳоси йўқ. У бизга маълум-у но-маълум барча замонларга асос бўлгани ҳолда, ўзи бирор бир асосга эҳтиёж сезмайди. Боқийлиги Яратган боқоси билан, асос-моҳияти Оллоҳнинг Замон сифати билан бирикиб кет-

ган бўлиб, истилохий жиҳатдан “бақо замони”га тўғри кела-ди.“Хамса” бадиий концепциясига кўра бу замон аввал ҳам мавжуд эди, ҳозир ҳам мавжуд, кейин ҳам мавжуд бўлаверади. Муҳаммад алайҳиссаломнинг нурлари мана шу азалий ва аба-дий замонда мавжуд бўлиб, барча оламларнинг асосидир. Бу ахборот фақат ислом манбаларида эмас, дастлаб соф илоҳий нақл ўлароқ инсониятга нозил этилган, кейинчалик турли ёл-ғон ахбортлар, бидъат-хурофотлар билан аралаштириб юбо-рилган мифларда ҳам сақланиб қолган. Уларнинг барчасида борлиқ оламларга асос бўлган нур “ҳаёт манбай”, деб номла-нади. Ҳаёт манбай яширинган хронотоп эса ҳали замон-макон мавжуд бўлмаган, абадий зулматдан иборат хаос ўлароқ тал-қин этилади.¹

Демак, Нури Муҳаммад “Хамса” бадиий хронотопи нуқтаи назаридан ундаги барча хронотоп шаклларини қамровчи уни-версал хронотоп ҳисобланади. Асардаги Муҳаммад алайҳис-салом образларининг тарихан идеал образ сифатида талқин этилишининг бирламчи асоси бўлиб хизмат қиласи. Муаллиф бадиий концепциясига кўра, наинки “Хамса”даги бошқа об-разлар учун, балки уч замон сатҳида яшаётган умумбашарият учун тарихан реал, моҳияттан идеал вазифасини бажаради.

2. Биографик хронотоп. Алишер Навоий “Хамса” семан-тикаси ва структурасини аниқ тизим асосида қургани каби Муҳаммад алайҳиссалом образларини ҳам муайян мантиқий кетма-кетлиқда тасвирлайди. Дастлаб у зотнинг илоҳий олам ва ундаги универсал миссияси ҳақида тасаввур ҳосил қиласи. Сўнгра заминдаги ҳаёти (биографияси) билан боғлиқ энг му-хим маълумотларни юксак бадиий пафосда ифода этади.

1 Бу ҳақда қаранг: Матье М.Э. Древнеегиптские мифы. - М-Л.: Издательство Академии Наук СССР, 1956; Темкин Э.Н., Эрман В.Г. Мифы древней Индии. – М.: Главная редакция восточной литературы, 1982; Федоренко Н.Т. Древние памятники Китайской литературы. - М.: Издательство “Наука” главная редакция восточной литературы, 1978; Рифтин Б.Л. От мифа к роману. Эво-люция изображения персонажа в Китайской литературе. – М.: Главная ре-дакция восточной литературы, 1979; Лосев А.Ф. Античная мифология в ее историческом развитии. – М.: Государственное учебно-педагогическое изда-тельство министерства просвещения РСФСР, 1957; Кун Н.А. Легенды и мифы древней Греции.-Алма-ата: Жалын, 1985.

Мұхаммад алайҳиссаломнинг заминдаги ҳаёти ва миссияси идеаллигини таъминловчи асос истилоҳий тушунчалар “саййид ул-мұрсалин”, “шафेъ ул-мұзаннибин”, “роҳматан лил-ъаламин” истилоҳларида ўз ифодасини топади. Буларнинг барчаси Қуръони карим ва Ҳадис асосида майдонга келган, ислом Шарқи дин илми анъаналарида мавжуд тушунчалар ҳисобланади. “Саййид ул-мұрсалин” башариятни түғри йўлга солиш учун юборилган барча пайғамбарларнинг улуғи деган маънени билдиради. Ушбу унвон Мұхаммад алайҳиссаломнинг Оллоҳ ҳузуридаги даражаси, инсоният ҳаёти учун улкан аҳамиятга эга зот эканини таъкидлайди. Қуръони каримда номи зикр этилган ва зикр этилмаган барча пайғамбарлар ўз қавми, ўз замонасининг ҳар жиҳатдан пешқадами, етакчиси ва улуғи ҳисобланади. “Саййид ул-мұрсалин” унвони эса улуғларнинг улуғи, етакчиларнинг етакчиси деган мазмунни ифодалайди.

Яъни:

*Зиҳи анбиё ҳайларнинг сарвари,
Бошинг узра сархайллиқ гавҳари.
Демай анбиё қавму ҳайларнинг сенинг,
Бори оғариниши туғайлинг сенинг... (“С.И.”, 20 бет.)*

Иккинчи истилоҳ “шафиъ ул-мұзаннибин” гуноҳкорларни шафоат қилувчи маъносида келади. Бунга кўра Мұхаммад алайҳиссалом мутлақ танг ҳолатда қолган (Қиёмат куни) уммат гуноҳини Оллоҳдан сўраб олиш ҳуқуқига эга зот ҳисобланади. Заминда қилган гуноҳлари учун абадий азобга солиниши мумкин бўлган инсониятга ҳомийлик қиласи. Уларнинг мислсиз азобдан халос бўлишларига сабабчи бўлади. Чунки у зот “раҳматан лил-ъаламин”, яъни оламларга раҳмат қилиб юборилгандир.

Буларнинг ҳаммасига сабаб Мұхаммад алайҳиссалом курлари устига Оллоҳ сунъ қўли билан босилган пайғамбарлик муҳридир. Бу Мұхаммад алайҳиссаломнинг башарият пайғамбари эканликларига буюк бир хужжатдир. Айни пайтда у зот (а.с.) Одам алайҳиссаломдан бошлаб келган пайғамбарларнинг энг улуғи, уларнинг ишларини камолатга етказган “хотам ул-анбиё”дирлар:

Сунъ илиги чекиб бу номага там.

Орқосиға бости нақши хотам... ("Л.М.", 19-бет.)

Ёки:

Бу иштин фалак топқач огоҳлиқ,

Санга шаҳлар узра бериб шоҳлиқ,

Фалакка бу баҳшиш қилурға не ҳад,

Сени Ҳақ шаҳ этмиш азал то абад.

Гувоҳ ўлди тожи футувват мунга,

Далил ўлди муҳри нубувват мунга... ("С.И.", 22-бет.)

Башариятга нозил этилган барча китобларда ва бу китобларни олиб келган пайғамбарларда (а.с.) Мұхаммад алайҳиссаломдан нишона, мұйжизот зоҳирдир. Пайғамбарлик, китоб ва дини исломнинг аввали ҳам, охири ҳам у зот (а.с.) ҳисобла-надилар. Яъни:

Чу Мусоға "Таврот" этиб Ҳақ баён,

Санга ул баён ичра муъжиз аён.

Бўлуб чунки Довуд қисми "Забур",

Сенинг муъжизинг анда айлаб зуҳур.

Чу Исоға Инжил нозил бўлуб,

Ҳақ анда сифотингға қойил бўлуб.

Каломеки сендин топиб интизом,

Анинг лафз бар лафзи муъжиз низом... ("С.И.", 21-бет.)

Ушбу байтлар мазмунидан аён бўладики, "Хамса"даги Мұхаммад алайҳиссалом образлари наинки мутлақ замонда, балки "оғариниш" (яратилиш, буюқ портлаш)дан кейин бугунгача давом этаётган материалистик замон сатҳида ҳам қамровчи образ хронотопини намоён этади. Куръони каримнинг (Мұхаммад алайҳиссалом дунёга келган саналаридан кўп асрлар олдин воқе бўлган) қадим ўтмиш воқеалари баён этилган кўп ўринларида "Эсланг (эй Мұхаммад)!" тарзида хитоб қилинишининг ўзиёқ Мұхаммад алайҳиссалом "нубувват нури" ("нури Мұхаммад") ўлароқ башар тарихининг ҳар бир лаҳзасида мавжуд бўлганларини кўрсатади. Зотан, Навоий юқорида келтирган далилларга кўра замин кенгликларида (яъни горизонтал хронотоп сатҳида) бирор улкан воқе-ҳодиса йўқки, унда Мұхаммад алайҳиссаломнинг иштироклари бўлмасин.

Шу тариқа Навоий Мұхаммад алайхиссаломнинг аслида ким ва қандай миссия билан юборилғанлари ҳақида тасаввур бергачгина, у зот ҳам заминда туғилиб ўстган бир банда эканларини күрсатувчи биографик далиллар талқинига ўтади.

*Қурайший асл, Абтахий маҳмил,
Хошимий киши, Ясрибий манзил... ("С.С.", 18-бет.)*

Бу байтда Мұхаммад алайхиссаломнинг Қурайш қабиласидан эканликлари, Маккадаги Абтах маҳалласида туғилғанлари, насаб жиҳатидан Хошимийларга мансубликлари, Макка ва Мадина шаҳарларида яшаб ўтғанлари ҳақида тўғридан-тўғри биографик маълумотлар бериляпти. Ёки:

*Анинг партавидин нечукким қүёш,
Мадойин бўлуб Макка аҳлиға фош... ("С.И.", 21-бет.)*

Яъни у қуёшдек чароғон нур сочганда Макка аҳолиси бу нур ёргуғида кўп шаҳарларни кўрдилар¹. Бу бадиий ахборот ҳам умумий планда Мұхаммад алайхиссалом биографияларининг илк даври – туғилишлари хусусида маълумот беради.

*Эй илм санга ладуни анжом,
Мактаб сори ранжа айламай гом.
Олингга vale келиб муаддаб,
Илм аҳли нечукки, тифли мактаб... ("Л.М.", 17-бет.)*

“Лайли ва Мажнун” дебочасида келган ушбу байт семантик жиҳатдан бир йўла бир нечта тармоқларга бўлинади: а) Мұхаммад алайхиссаломга берилган илмнинг ладуний (ғайбга хос, илоҳий) эканига ургу беради. Бу ўз-ўзидан иккинчи семантик тармоқни юзага келтиради; б) ладуний илм соҳибининг ақл ва мантиққа таянувчи дунёвий илм олишга ҳожати қолмайди; в) бундай илм башарият орасидан камдан-кам одамларгагина берилади. Берилган кимса эса барча дунёвий илм эгалари учун устоз мақомида туради. Ҳар қандай адаб

1 Мадойиннинг яна бир маъноси Араб Ироқида. Фрот дарёси бўйида жойлашган қадимий шаҳарни билдиради. Бу ҳолда байтнинг мазмуни янада чуқурлашади. Яъни Мұхаммад алайхиссалом туғилиб, унинг нури қуёшдек порлаганда Макка аҳли кўз ўнгида қадим Мадойин шаҳригача намоён бўлди. Мадойиннинг учинчи бир маъноси маданиятлар деганидир. Агар байтдаги мадойин сўзига айни маъно бериладиган бўлса, пайғамбар партавидан Макка аҳли олдида барча маданиятлар намоён бўлди, деган маъно келиб чиқади (- У.Ж.).

берувчи (“муаддаб”) устозлар унинг олдида, худди мактаб болалари сингари, шогирд ўрнини эгаллайдилар; г) охирги семантик тармоқ бевосита “Лайли ва Мажнун” достони образлар тизими билан бирикиб кетади. Асар бош қаҳрамони Қайснинг мажнунлиги, ундаги мажзубона ишққа ишора қиласи.

Мұхаммад алайхиссалом башарият учун олиб келган мұйыжизаларнинг энг улуғи Қуръони карим ҳисобланади. Навоий пайғамбар (а.с.)нинг ушбу мұйыжизаларини бевосита у зотга берилған ладуний илм билан боғлаб тасвирлайди:

Эй, сунмай иликни хома сори,

Ул наөъки хома нома сори.

Номанғ vale әндаким бўлуб фош,

Хаттидин улус қўттармайин бош... (“Л.М.”, 18-бет.)

Яъни қўлига қалам ушламасдан ва қофоз устида қалам юргизмасдан ёзган номаси (Қуръони карим) олам аҳлига аён бўлгач, ундан улус бир лаҳза ҳам бош қўттаролмай қолди.

Аҳкоми била жаҳон низоми,

Назми ики олам интизоми... (“Л.М.”, 18-бет.)

Бу байт ҳам Қуръони каримга ишора қиласи. Зотан, ислом кишиси учун жаҳонда яшаш қоидалари (низоми) Қуръони каримдаги ҳукмлардан бошқа нарса эмас. Қуръони карим шакл-мазмунига кўра қатъий назм интизоми асосида нозил этилган. Бу шундай мутлақ интизомки, унга икки олам амали мужассам. Ислом аҳли риоя қилиши зарур бўлган иккинчи низом – бу, пайғамбар (а.с.)дан ривоят қилинган ҳадислардир.

Буйруғларинг элга қарз янглиғ,

Суннатларинг элга фарз янглиғ... (“Л.М.”, 18-бет.)

Шу тариқа Навоий Мұхаммад алайхиссаломнинг замин юзига оёқ қўйишлари, насаблари, чексиз илмлари манбай, умумбашарий вазифалари, башарият учун келтирган мұйыжизаларини изчил тасвирлаш усули билан баён этади.

3. Меъројж воқеаси. Меъројж нафақат Мұхаммад алайхиссалом биографиясида, балки бутун башарият тарихидаги буюк воқеа ҳисобланади. Бу воқеа кўлами хронотоп нуқтаи назаридан нури Мұхаммад билан бир мақомда туради. Шу боис Навоий “Хамса”сида бу воқеа талқинига алоҳида эътибор қаратилган. Аввало, бошқа воқеалар бир боб доирасида

йўл-йўлакай ҳикоя қилингани ҳолда, бу воқеа тасвири учун ҳар бир достонда маҳсус боб ажратилган; иккинчидан, меърож тунининг башарият ҳаёти учун аҳамиятига алоҳида урғу берилган ва айни маънода, меърож туни тасвири воситасида “Хамса” умумконцепцияси ифодаланган; учинчидан, бу воқеа пайғамбаримиз (с.а.в.) шахсиятлари ва фаолиятларининг чўққиси дея кўрсатилган; тўртинчидан, мусулмон уммати, хусусан, муаллифнинг келажак (охират)ка доир орзу-умидлари, эҳтиёжларининг тажассуми сифатида талқин этилган; бешинчидан, ҳар бир достонда тасвир этилган меърожга оид боблар шу достон семантикаси билан уйғунлаштирилгани ҳолда, ўзаро поэтик изчиликни намоён этади.

Умуман, тўрт достон доирасида олинганда меъож воқеаси қуидаги эпизодларга ажратиб тасвир этилгани маълум бўлади:

а) исро кечаси тасвири. Истилоҳий жиҳатдан “исро”нинг маъноси “сайр” демакдир. Муҳаммад алайҳиссаломнинг исро тунида Маккадан Куддусгача қилган тунги сайрлари “исро кечаси” деб юритилади. Шу кеча аммалари уммаҳоний хужрасида тунаган пайғамбаримизга (с.а.в.) Жаброил (а.с.) Оллоҳнинг ҳукмини олиб келадилар. Шундан сўнг пайғамбаримиз (а.с.) Буроқ номли уловга ўтириб, Куддусга борадилар. Масжид ул-асқода ўзларигача келган барча пайғамбарларга имом бўлиб икки ракъят намоз ўқидалар. Фақат шундан кейингина Оллоҳ ҳузурига қўтариладилар. Меърож исро тунининг кульминацион нуқтаси бўлиб, луғавий жиҳатдан “юксалиш”, “юқорига қўтарилиш” деган маънони билдиради. Бу воқеа моҳиятига кўра ўта улуғ, наинки инсоният, балки бутун коинот, маҳлуқот тарихида бир марта содир бўлган воқеа ҳисобланади. Айни нуқтаи назардан унинг кўлами ва аҳамиятини тасаввурга сиғдириш ўта қийин. Адабиётшуносликда бу воқеага нисбатан афсона тусини бериш, ижодкорнинг романтик тасаввури дея талқин қилиб келинишининг сабаби ҳам шунда. Аммо Алишер Навоий дунёқарashi, бадиий концепцияси нуқтаи назаридан қараганимизда, умуман, меърож, унинг бошланғич нуқтаси бўлган исро тунининг том маънода реал воқеа эканига амин бўламиз. Тўртала достондаги меърож воқеаси тасвирида ҳам исро тунининг алоҳида тасвири келади. Моҳият нуқтаи назаридан бу тун ба-

шариятнинг энг саодатли туни сифатида тавсифланади. Бу тун фақат инсоният учун эмас, уч олам – инс, жин ва фаришталар олами, ҳатто табиат, набодот, жомодот оламлари учун ҳам буюк бир саодат туни сифатида қабул қилинган:

*Күёш сўғи иши киргач ароға,
Фалак лузбатлари кирди қароға.*

Не сўгу не қаро, иқбол шоми,

Жаҳоннинг асрุ фаррухфол шоми... ("Ф.Ш.", 21-бет.)

Ёки:

Ким ранги эди чу мушки ноби,

Ҳар юлдузи рашки офтоби

Шабнамлариким сочиб заройир,

Оlamни тутуб нужуми сойир...

Тун даҳр юзидин оритиб менг,

Кундузни ўзига тутмайин тенг... ("Л.М.", 21-бет.)

Ёки:

Очибон ҳар чароғи кофурий,

Дуд ила бир ниқоби занбурий.

Дуд йўқ, уду мушк била бухур,

Тун димоги иси била масрур.

Чарх мижмар ёйиб бу дуд узра,

Атри мушк бухур уд узра... ("С.С.", 23-бет.)

Ёки:

Не шом ул шабстони фархундафол,

Бўлуб оғариниш узорига хол.

Демай холким, гесуий мушкрез,

Қилиб оғариниш уза мушкбез.

Чу онинг бўлуб ошкора иси,

Жаҳонни тутуб мушксоро иси... ("С.И.", 24-бет.)

Эътибор қилинса, тўрт достондан келтирилган байтлар мазмунан қуйидаги жиҳатларига кўра уйғунлик касб этгани маълум бўлади: 1) бутун коинот, хусусан, она замин бир саодатли лаҳзани кутаётгани; 2) саодат онига тайёргарлик; 3) бу тайёргарликнинг буюк бир фараҳ, сакинат, гўзалликка йўғрилганлиги; 4) фараҳ ва сакинат аро улкан бир сирнинг пинҳонлиги. Айни пайтда, ҳар бир парча ўзининг хусусий томонларига ҳам эга. Дейлик, “Фарҳод ва Ширин”да исро туни

тасвири кўпроқ “чин”, “луъбати чин”, “турки чин” эпитетлари воситасида ёритилар экан, достон воқеалари кечадиган етакчи хронотоп шаклига ишора қилинади. “Лайли ва Мажнун”-да “ғам шоми”, “хаёли шабгард”, “ғам”, “қаро балойи” сингари эпитетлар Мажнун муҳаббати ва ундаги трагизмдан далолат беради. “Сабъаи сайёр”да бу жиҳат замин ҳаёти (“ўрта олам”, етти иқлим)га оид “чарх аввоби”, “жаҳон”, “сув”, “дом”, “сайд” сингари эпитетлар воситасида тасвирланадики, бу асаддаги етакчи пафос билан ҳамоҳанглик касб этади. “Садди Искандарий”да эса коинот миқёсидаги низом мотиви етакчилик қилади. Бу жиҳат “офариниш” “фалак гулшани”, “сипеҳр аҳтари”, “шаётин ғуборин барбод этилиши” каби ташбеҳ ва эпитетларда намоён бўлади;

б) сайр бошланган макон ва Жаброил (а.с.) билан мулоқот. Меърожга бағишланган барча бобларда ушбу макон Умма Ҳоний хужраси деб кўрсатилади. Бу маълумот Ином Бухорийнинг “Ал-жамиъ ас-саҳиҳ” (“Ишончли ҳадислар”) тўплами ва бошқа муҳаддислар тасниф этган ҳадислардаги маълумотларга мувофиқлиги билан реал асосини намоён этади:

Солиб бир гўшага партав ниҳони –

Ким, айлаб мизбонлиғ Умми Ҳоний... (“Ф.Ш.”, 21-бет.)

Ёки:

Бир хобгаҳи ниҳони ичра,

Манзилгаҳи Умма Ҳони ичра... (“Л.М.”, 23-бет.)

Ёки:

Бўйла тун ул маҳи мунири жаҳон,

Умми Ҳоний уйида эрди ниҳон... (“С.С.”, 23-бет.)

Ёки:

Қуёшдек улусдин ниҳоний бўлуб,

Ери хужраи Умма Ҳоний бўлуб... (“С.И.”, 25-бет.)

Бу ўринда эътибор қаратиладиган икки нуқта бор. Бунинг биринчиси, исро сафари бошланадиган макон нега айнан Умма Ҳоний хужраси, деган масала. Жавоб, бизнингча, шундай: меърождек ягона ва буюк воқеа фардликни талаб этган. Умма Ҳоний эса пайғамбаримиз (с.а.в.) амакиларининг қизи бўлиб, энг яқин киши ўлароқ бу буюк сирга маҳрам бўлишга ҳақли ва сирни сақловчи эди. Иккинчиси, исро тунидаги ниҳонлик

(жамиятдан яширинлик) масаласи. Чунки Мұхаммад алайхиссалом власл саодатига эришган бу кечада бутун инсоният ғафлат уйқусида эди. Ҳатто у зотнинг энг яқин одамлари (оила аъзолари, саҳобалар) ҳам бу воқеа ҳақида воқеа рўй бериб ўтгандан кейин, эртаси куни тонгда воқиф бўлгандарки, бундай улуғ сир фақат башариятнинг ягона вакили учун маҳсус эди. Бундан фақат Мұхаммад алайхиссаломнинг ўзлари хабардор эдилар: Даҳр шўру шарридин осуда / Кўнгли уйғоғу кўзи уйкуда... Айни жиҳатдан бу ҳолат ошиқ-маъшуқанинг пинҳоний учрашувига ҳам ўхшаб кетади. Шу тариқа Жаброил алайхиссалом пайғамбаримизга (с.а.в.) Оллоҳдан мўжда етказади:

*“Ки етсун олам аҳлидин ниҳони,
Муҳиб сарвақтиға маҳбуби жоний”... (“Ф.Ш.”, 21-бет.)*

Ёки:

*Лойиқ санга келди бу жанибат,
Отланки, маҳал эрурғанимат... (“Л.М.”, 23-бет.)*

Сойир музждани шундай қабул қиласади:

*Ҳақ саломин чу топти маҳбуби,
Бўлди ошиқ висоли матлуби... (“С.С.”, 23-бет.)*

Ёки:

*Бу сўзни эшиштагач ул ягона,
Гўёки тилар эди баҳона... (“Л.М.”, 23-бет.)*

Бу икки байт мазмунидан нима сабабдан учрашувнинг пинҳона амалга оширилгани ҳам, нега бу сирдан фақат Мұхаммад алайхиссаломнинг хабардорликлари ҳам аён бўлади;

в) исро ва меъроj йўли тасвири. Бу йўлнинг дастлабки харитаси замин бўйлаб ўтади. Географик ҳудудига кўра Маккандан Куддусгача бўлган масофани қамраб олади. Сўнгра Буроқ осмонга кўтарилади. Қуръони каримда исро кечаси ҳақида шундай хабар берилади: “(Оллоҳ) бир кеча, Ўз бандаси (Мұхаммад)ни – унга оят-мўъжизаларимиздан кўрсатиш учун (Маккадаги) Масjid ал-Ҳаромдан (Куддусдаги) Биз атрофи ни баракотли қилиб қўйган Масjid ал-Ақсога сайр қилдирган (барча айбу нуқсонлардан) пок зотдир. Дарҳақиқат, У эшигувчи ва кўргувчи зотдир”.¹

1 Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. – Т.: Чўлпон, 1992.-17: 1.

Аршга томон йўл тасвири жараёнида гўёки вақт тўхтайди. Бемисл тезлиқ, шиддат билан кўтарилаётган сойир кўз ўнгидан етти осмон, курсий, унинг қамровидаги ўн икки бурж ва арш тасвири бирма-бир, ўзининг барча икир-чикирлари билан тизилиб ўтади.

г) ломакондаги учрашув тасвири. Сайрнинг маълум нуқтасига келиб (курсий ва ўн икки бурж тасвиридан кейин), улов ўзгаради. Буроқ ўрнини Рафраф эгаллайди. Яъни:

Юқороқ қўргузуб чун раҳши новард,

Чиқориб ломакон майдонидин гард...

Қувониб побўси бирла Рафраф,

Малойик ер ўпуб олида саф-саф... ("Ф.Ш.", 23-бет.)

Ёки:

Рафраф иўлиға қадамни солиб,

Бир-бир оти бирла пайки қолиб... ("Л.М.", 26-бет.)

Ёки:

Ўтти Рафраф мақомидин чун тез,

Тез ҳамроҳи бўлди узрангез... ("С.С.", 26-бет.)

Ёки:

Гузаргоҳи улдамки Рафраф бўлуб,

Юзидин дамодам мушарраф бўлуб... ("С.И.", 29-бет.)

Шундан сўнг тасвирда замон-макон деган тушунча йўқолади. Ломакон сарҳади бошланади. Бу ёғига сойир ёлғиз йўлга тушади. У ҳали ҳеч бир махлукот (на фаришта, на инсу жин қавми) қадам босмаган худудга кириб келади:

Демаким тўрту олтидин мубарро,

Ки, бешу иккидин доғи муарро...

Макони бўлмайин жуз бемаконлиқ,

Нишони қолмайин жуз бенишонлиқ... ("Ф.Ш.", 24-бет.)

Ёки:

Тан бирла бориб, vale борур ҷоғ,

Не ўту не сув, не ел, не туфроғ –

Ким, тан анга жондин ортуғ эрди,

Жон икки жаҳондин ортуғ эрди... ("Л.М.", 26-27-бет.)

Ёки:

Ўзидин ўзлуғи доғи итти,

Ўздин ўзлик хаёлин оритти.

*Топмайин ўзда хожаи сафарий,
Ўту туфроғу елу сув асари... ("С.С.", 26-бет.)*

Ёки:

*Не тўрт аслдин қўнглига ёрлиқ,
На олти тарафдин хабардорлиқ
Ҳам олти-ю ҳам тўрт машқуф эди,
Анинг хотири бирга машъуф эди... ("С.И.", 30-бет.)*

Мантиқан қараганда ломакон тасвири учун бадиий сўз қудрати ожиз. Уни, нақадар даҳо санъаткор бўлмасин, тасаввур қилиши ҳам мумкин эмас. Чунки инсон ҳиссиёти ва тафаккури ҳамма нарса-ҳодисаларни замон-макон (хронотоп) ўлчовида кўриш, идроклаш, тасаввур қилиш имконига эга. Замон-макондан ҳоли воқелик инсоннинг чексиз-чегарасиз ҳаёлот потенциясидан ҳам юқори ҳодиса. Навоий эса бу ўринда замон-маконсиз воқеликни тасвирлашнинг том маънода мувофиқ йўлини топади. Яъни “Ҳайрат ул-аброр”да “адам шоми”да кўз очган “ҳожа” ҳолатини қай йўл билан ўқувчи тасаввурида жонлантирган бўлса, бунда ундагиданда мукаммалроқ усулни кашф этади. Идрок ва мантиққа бўй бермайдиган воқеликни ўзига маълум, кўрган, ҳис қила олган одам – сойир турган нуқтадан туриб тасвирлайди. Бунинг натижаси ўлароқ “олти”, “беш” ва “тўрт”дан мубарролик тарзидаги, бадиий сўзнинг олий миқёсига кўтарила олади. Шу тариқа ўқувчи тасаввурига ломакон манзарасини олиб кирадики, жаҳондаги ўта улкан сўз санъаткорлари ҳам бу миқёсга чиқа олган эмас.

Исботга ўтамиз: “Мубарро” сўзи “Навоий луғати”да “ҳоли”, “озод”, “пок” дея изоҳланган. Демак, ломакондаги инсон (Мұхаммад алайҳиссалом) олти, беш ва тўртдан пок. Буларнинг бирортаси унда мавжуд эмас. Унинг учун фақат бир мавжуд: “Анинг хотири бирга машъуф эди”... Хўш, унда бу сонлар нимани англатади? Бизнингча, олтидан мурод – олти тараф: олдорқа, ўнг-сўл, тепа-паст. Инсон учун макон тушунчасини мана шу тарафлар ҳосил қиласди. Беш рақами эса беш сезгини билдиради: кўриш, эшлиши, ҳид билиш, таъм билиш, сезиш. Одам нафақат борлиқни ҳис этиши, англаши учун, балки ўз мавжудлигини сезиши учун ҳам беш сезигига таянади. Беш сезгидан мосуво бўлган инсон аслида йўқ дегани. Тўрт рақами инсон

моддий танасининг асоси бўлган тўрт унсурни билдиради: сув, ҳаво, ел, тупроқ. Тўрт унсурдан ажраган одам ҳам моддий эмас. Аммо буларнинг бари моддий олам, тажрибавий ақл, дунёвий мантиқ билан қарагандагина “инсон йўқ” деган холосага олиб келиши мумкин. Аслида эса айни учлик рақам (6-5-4) йўқ бўлган тақдирда ҳам одам мавжудлигича қолаверади. У ҳеч қачон мутлақ йўқ бўлиб кетмайди ва йўқ бўлиши мумкин ҳам эмас. Фақат у айни ҳолатда бир сифатдан (ўткинчи – моддий) бошқа сифатга (боқий, номоддий) ўтади. Бошқача айтганда “адам шоми”да кўз очган илк ҳолатига қайтади. Шундагина инсон боқий оламга қўшилади. Унинг учун моддий дунё тўсиқлари қолмайди, йўқликка айланади. Пайғамбаримиз (с.а.в.) меърож тунида мана шу ҳолатни ҳис қилганлар. Моддий ҳаётдан маълум муддат озод бўлганлар. Жараён бўлиб ўтгандан сўнг ўз ҳолатларини мажоз йўли билан баён этганлар. Бу эса сахиҳ ривоятлар орқали жамият орасига тарқалган. Аммо бу ҳолат моҳиятини, асосан, хос кишиларгина тушунишган. Дейлик “Ўлмасдан бурун ўлинглар” деган машҳур ҳадис айнан шу ҳақда айтилган. Хос кишилар (яъни сўфийлар) буни жон ва тани “файр нақши”дан озод этиш, Оллоҳ ризолигидек буюк оқибатга етишиш деб тушунганлар ва бунга имкон қадар амал қилганлар. Кўринадики, юқоридаги бир рақами мажозан Яратгани билдиради. Муҳаммад алайҳиссалом меърож тунида олти, беш ва тўртдан халос бўлиб, бирга синггиб кетганлар. Оллоҳ висолига эришганлар. Бунда эришилган ваҳдат билан боғлиқ баъзи сирларни, ҳадисларда ривоят қилинишича, ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ ва Салмони Форсийга айтганлар. Ислом тасаввубининг илк манбалари шу воқеа билан бевосита боғлиқ;

д) қайтиш тасвири. Меърожнинг кульминацион нуқтаси “қоба қовсайн” мақоми деб юритилади. Бунинг маъноси Муҳаммад алайҳиссалом Оллоҳга икки ёй ораси қадар яқин бордилар деганидир. Бунда икки камон деган сўзда ҳам ўзига хос ҳикмат борлиги кўпгина манбаларда изоҳланган¹. Бу мақом

1 “Қиссаси Рабғузий”да бу хусусда шундай ёзилган: “Савол. Ёга ташбиҳ қилмоқда ҳикмат не турур? Жавоб: Арабнинг одати бор. Икагу дўст бўлуб аҳд қилсалар икки ё келтирурлар. Текма бирининг бошини боши бирла, қулоқини кулоқи бирла, бўғзини бўғзи бирла, қабзасини қабзаси бирла кири-

башарият эришган олий мақом бўлиб, уни ҳеч қандай хронотоп ўлчамларига солиш мумкин эмас. Айни сабабдан биз улуғ висол томон элтувчи “йўлни” ломакон йўли, бу воқеа кечган саодатли мақомни ўз номи билан “қоба қовсайн” тарзида номлаш билан чекланишга мажбурмиз.

Ломакондаги етмиш минг “ҳижоб” (парда)дан ўтиб, “қоба қовсайн” мақомига етиб келган Пайғамбаримиз фақат уммат саодатини сўрайдилар:

Ким андоқким тилаб уммат гуноҳин,

Сен эттинг афв алар феъли табоҳин... (“Ф.Ш.”, 28-бет.)

Ёки:

Уммат ёзуғин тилаб тамомий,

Топиб тилагонни улча коми... (“Л.М.”, 28-бет.)

Кейинги икки достонда ҳам худди шу мазмундаги байтлар келади. Бу эса пайғамбаримиздаги (с.а.в.) альтруизмнинг олий даражасини таъкидлашга хизмат қиласиди. Зотан, шундай улуғ мақом ва улкан имкониятга эришган Муҳаммад алайҳиссалом ўзларини эмас, қиёматгача келиб кетадиган умматлари гуноҳини сўрадиларки, “Хамса”даги тарихан реаллик, олий реализмдан келиб чиқадиган идеалликнинг туб илдизлари шунда.

Ушбу олий идеалнинг илк натижалари қайтиш хронотопи тасвиридаёт яққол кўринади. Кўтарилиш пайтида сойир бир висолталаб эди. Аммо бу талаб Оллоҳнинг ўзи томонидан иссталгани учун унинг даражаси ниҳоятда баланд эди. Шу боис уни бутун маҳлуқот ҳурмат-эҳтиром билан кузатиб қўйганди. Сойирнинг қайтиши эса бундан ҳам улуғроқ эътиром, буюк бир тантана билан қарши олинди. Чунки сойир ҳали бирор яратилмиш эриша олмаган мақомга эга бўлган эдики, унга энг улуғ фаришталар ҳам ҳавас билан қарашди.

шини кириши бирла тузунг тенг тутарлар. Аймишлар, мундоғким бу икки ёнинг бошлари, бағирлари, тутқалари, киришлари туз мувофиқ турурлар. Биз икагума бири биримиз бирла мувафақат қилдуқ. Бири биримизфа хилоф қилмағайбиз, аҳдни бузмағайбиз. Эй Муҳаммад, ман ҳам сенинг бирла аҳд қилдим. Сан манинг буюрған амрларимни битургил, ман ҳам санинг тилағингни берайин. Сен duo қилгин, мен ижобат қилайин. Сен қўлғил, ман ҳам берайин. Сен шафоат қилғил, ман бағишлайин. Бу кун ман сандан хушнудман... ” Рабғузий Носируддин. Қиссади Рабғузий. Иккинчи китоб. – Т.: Ёзувчи, 1991. 151-бет.

Меъреждан қайтиш тасвири фақат бир достон – “Сабъаи са-йёр”да аниқ-тиниқ берилган. Ушбу мотив қуйидаги бўлаклардан ташкил топган: 1) сойирнинг сафардан қайтиб, маркаби ва ҳамроҳига етиши: Маркаби била ҳамраҳига етиб / Юзидин иккисин мушарраф этиб... (28-бет); 2) малакларнинг сойирга муносабати: Икки ҳорғин малак йўлида кўпуб / Бири илгин, бири аёғин ўпуб... Юз туман минг малак нечукким ҳур / Кўлларида табақ, vale тўла нур / Борча хуррамлик ошкор айлаб / Дам-бадам бошиға нисор айлаб... (28-бет); 3) ер томон тушиш жараёни: Ҳар фалак тушмагига бир поя / Юзидин ул фалакка пироя... (28-бет); 4) ерга қайтиш: Қилибон бўйла сайри шоҳона / Тушти ер қиблагоҳига ёна / Қайдаким бўлди сайри афлоки / Ҳамраҳ эрди анга тани поки... (29-бет). Келтирилган парчадаги сўнгги мисра масаласида ислом уламолариаро маълум баҳслар мавжуд. Баъзи ислом уламоси меърож сафари фақат жон (руҳ) воситасида амалга оширилган дейишса, бошқа бир тоифа олимлар бунинг тана ва жон уйғунлигига содир бўлганини айтадилар. Алишер Навоий эса бу ўринда соф Ҳанафий мазҳаб кўрсатмаларига таянган. Сафарнинг тана ва жон уйғунлигига содир бўлганини барча меърож бобларида таъкидлаган: Ким анга жисм агарчи хок эрди / Лекин ул хок нури пок эрди... (29-бет). Навоийнинг бундай хулосага келишига сабаб, бизнингча, битта – Оллоҳ хоҳлаган нарса, албатта, бўлади. У ўз ҳабибини жисм ва жони билан кўтаришни истади ва шундай бўлди.

“Хамса”да меърож туни ва унинг интиҳоси билан боғлиқ яна бир ибора келади. Истилоҳ тарзида келадиган бу ибора барча достонларда қайта-қайта такрорланади. Бу “ва ма тағо” ёки “ма тағо” иборасидир:

*Супургач “Mo тағо” туфроғин ул боғ,
Чекилди наргисига құхли “ма зоғ”... (“Ф.Ш.”, 24-бет)*

Ёки:

*Очқоч басарин бу тўтиёдин,
Равшан қилибон “ва мо тағо”дин... (“Л.М.”, 27-бет)*

Ёки:

*Эй қароғингга сурмаи “мо зоғ”,
“Mo тағо” маркабингга қўймай доғ... (“С.С.”, 29-бет) ва ҳ.к.
Навоий XX томлиги (8-9-том)да “ва ма тағо” иборасига*

“Мұхаммад алайхиссалом мадҳ қилинганд оятдан” тарзида мавхұм изоҳ берилған. Аслида бу ибора “Ан-нажм” сураси-нинг 17-18-оятлари таркибида келади: “(Пайғамбарнинг) кўзи (ўнгу сўлга) оғғани ҳам йўқ, ўз ҳаддидан ошгани ҳам йўқ. Дарҳақиқат, у (ўша соатда) Парвардигорининг буюк оятлари-ни (яъни У зотнинг қудрати илоҳийсига далолат қиласидиган жуда кўп аломатларни) кўрди”. Биз изоҳини қидираётган “ва ма тағо” ибораси оятдаги “ўз ҳаддидан ошгани ҳам йўқ” де-ган маънони билдиради. Бу меъроj сафаридағи Пайғамбари-мизга (а.с.в.) Оллоҳ таолонинг мақтov сўзлари эди. Хўш, буни “Хамса” семантикаси таркибида қандай тушиниш керак? Одат-да оддий одамлар ҳеч ким бормаган, ҳеч ким кўрмаган нарса ҳақида биладиган бўлса, туғёнга тушади. Ўзини билимли са-наб, ўзгаларни писанд қилмай қўяди. Агар бир хукм соҳиби, мулкдор, ҳатто бирор золим ҳузурига чақирилса, ҳомийлиги-га эришса, унинг кибру манманлиги ҳаддан ошади. Мұхаммад алайхиссалом борган, кўрган манзил эса ҳали башариятнинг бирор вакили кўрмаган, кўриши ҳам мумкин бўлмаган олий манзил эди. У учрашган, дўсти сифатида кутиб олган зот эса бутун оламлар, аввалу охир, борлиғу йўқликнинг ҳожаси “Ма-лики явмиддин” эди. Аммо шундай улуғ мартаба соҳиби, бутун мавжудот гултожи бўлишларига қарамасдан, пайғамбар алай-хиссалом бундан кибрланмадилар. Ҳадларидан ошмадилар. Аксинча, Оллоҳга итоат ва сидқлари зиёда бўлди. “Ва ма тағо”-нинг маъноси шу ва бу даража у Зот (с.а.в.)нинг улуғликлари, олий идеал эканларини яна бир бор таъкидлайди;

ж) *меъроj вақти масаласи*. Гарчи бу масала навоийшунос-ликда маҳсус ўрганилмаган бўлса-да, Навоийни тадқиқ этган барча олимлар унинг ўта мураккаб масала эканини таъкид-лайдилар. Меъроj воқеаси ҳақида Қуръони каримда алоҳида оятлар, Ином ал-Бухорийнинг “Ал-жомиъ ас-саҳиҳ” ҳадислар тўпламида эса маҳсус боб келади¹. Жаҳондаги меъроj воқеа-сига доир барча илмий, фалсафий, бадиий ахборотларнинг ил-дизлари шу икки манбага бориб боғланади. Аммо бу ахборот-ларнинг барчасини ҳам саҳиҳ деб бўлмайди. Шу боис Навоий

1 Қаранг: Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-жомиъ ас-саҳиҳ, 2 жилд. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1996. – Б. 566-571.

“Хамса”сида меърож вақти масаласида энг ишончли манбалар – Қуръон ва Ҳадисга таянилган. Гарчи, меърож вақти хусусидаги “Хамса” маълумотларини тажриба ва дунёвий мантиқ инкор этса ҳам, унинг том маънода тарихий ҳодиса ва реал ҳақиқат эканига шубҳа йўқ.

“Ривоят қилишларича, Пайғамбар алайҳиссалом меърожга чиқиб кетаётib ҳужраларининг эшигини ёпганларида қимирлаб қолган эшик ҳалқаси осмондан қайтиб тушганларида ҳам силкиниб турган экан”¹. Ҳудди шу ривоят қатор ҳадислар, бу ҳодисага доир илмий ва бадиий асарларда қайд этилган. Яна бир ривоятда меърож сафарига чиқаётib тарқ этган тӯшаклари қайтиб келганларида илиқ ҳолида тургани айтилади. Меърожга оид барча ривоятларда унинг заминдаги астрономик мезонларга кўра ўта қисқа вақт бирлигида содир бўлгани қайд этилади. Меърож вақти ислом тасаввуфи вакилларини ҳам ҳаддан ортиқ илҳомлантирган. Сўфийлар вақт категориясини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ўта чуқур ишлаганлар. Унинг нафас, лаҳза билан уйғун нуқтасига урғу берганлар. “Вақт кескир бир қиличдир,-деб ёзилади Нажмиддин Кубро рисоласида.-Агар кескир бўлмаганида эди, ҳолдан ҳолга ўтгунингга қадар сени кутган бўларди. Ҳолбуки, замон ўткир қиличдек ҳаракатланади ва ўз ҳукмини ижро этади. Сўфий ибнул вақт, яъни вақтнинг ўғли. У билан баробар юрап. У ўтмишга ҳам, истиқболга ҳам назар ташламас. Чунки унинг мозийга ёки мустақбалга боқмоғи ўтмиш ёки келажакни ўйлаб айни ондаги вақтни беҳуда кетказмоғи демакдир, бунинг такорори эса кўп вақтни зоеъ этар. Соғлом муроқабанинг шарти ҳам муҳофазаи вақтдир”².

М.Бахтин Европа рицар романи ҳақида сўз юритар экан, унинг юнон романига хос авантюр замондан кескин фарқ қиласидиган хоссаси деб “замон билан субъектив ўйин”ни кўрсатади: “Рицар романида замоннинг ўзи ҳам маълум даражада

1 Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муваллифи Алоуддин Мансур. – Т.: Чўлпон, 1992. – Б. 246. (“Ал-исро” сурасининг биринчи оятига берилган изоҳдан).

2 Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. Таржимон ва нашрга тайёрловчилар И.Ҳаққул, А.Бектош. – Т.: Мовороунахр, 2004. – Б.157-158.

мүйжизавийлик касб этади. Замоннинг эртакнамо муболагашуви рўй беради. Соатлар кун қадар узайса, кунлар лаҳза қадар қисқаради”¹. Аммо М.Бахтин қайд этган ушбу замон шакли, конкрет муаллифларига, ўзининг ёзма намуналарига эга бўлишига қарамасдан, кўпроқ сеҳрли-фантастик эртаклардаги замон шаклларини эслатади. Шу жиҳати балан наинки меъроj вақтига, ҳатто тасаввуфдаги вақт категориясига ҳам яқин келмайди. Айни пайтда, тасаввуфдаги қисман метафориклаштирилган лаҳза категориясини ҳам меъроj вақтига қиёслаб бўлмайди. Чунки улар моҳиятига кўра ягона объект (Оллоҳ висоли)га йўналган бўлса ҳам, меъроj вақтидаги универсал қамров, реаллик, якка-ю ягоналик олдида бир тақлид, субъектив ҳодиса бўлишдан нарига ўта олмайди.

Меъроj вақти бемислдир. У на замин, на коинот ўлчовларига сифади. У ўзининг юксак аҳамияти, ғайриоддийлиги, ягоналиги билан уч замон тушунчасидан ҳам ташқарида бўлган хос замондир. Алишер Навоий эса уни Куръони карим услуби-га эргашиб, иъжоз мақомида бадиий замонга кўчира олган.

*Бориб келмоқлиги дарки қилинмай,
Бурунму борди ё келди билинмай... (“Ф.Ш.”, 25-бет)*

Ёки:

*Бориб келури бўлуб икки гом,
Қай бири бурун эканида ибҳом... (“Л.М.”, 29-бет)*

Ёки:

*Бормоғу келмаги бўлуб икки дам,
Қайси дам буруна экани мубҳам... (“С.С.”, 29-бет)*

Ёки:

*Не ерга етишгай хирад билмаги,
Бор эрса борурдин бурун келмаги... (“С.И.”, 33-бет)*

Тўртала достондан келтирилган байтда ҳам ягона мазмун акс этган. Бу вақт ақл доирасига сифмайди. Ақл замонни муайян кетма-кетлиқда қабул қиласи. Замин мезонидаги вақт ўтган-ҳозирги-келаси деган учлик категорияси ва унинг муайян изчиликдаги ҳаракати ўлароқ қабул қилинади. Зотан, замин вақти аниқ тизим билан ҳаракатланади. Бу замонда ўтмиш

1 Бахтин М. Романда замон ва хронотоп шакллари. Тарихий поэтикадан очерклар. – Т.:Akademnashr, 2015. – Б. 131.

келажакда, бугун ўтмишда, келажак эса бугунда бўла олмайди. Навоий меъроj вақтини бадий талқин этар экан, ўта дақиқлик билан иш тутади. Заминдаги ақл, мантиқ, беш сезигига хос мана шу изчилликни бузади. Бориши олдин бўлдими ёки келиши деган риторик сўроқ орқали буларнинг барини боши берк кўчага олиб кириб кўяди. Илло, келиш боришдан илгари бўлиши мумкин эмас. Мантиқан аввал борилади. Келиш эса фақат боргандан кейин бўлиши мукин. Бормаган келмайди. Келмадими, демак, у бормаган. Меъроj вақти мана шу мантиқса сифмагани учун ҳам ғайришуурий, ғайритабииyидир. Унинг мутлақ такрорланмаслиги ҳам, универсал қўлами ҳам, ҳеч бир мезонга сифмаслиги ҳам шунда. Шунинг учун ҳам биз уни фақат ўз номи билан – меъроj вақти дея атashимиз жоиз.

4. *Ойнинг бўлиниши*. Бу воқеанинг содир бўлиш сабаблари остида исломгача араб дунёсида мавжуд жоҳилият излари турди. Исломнинг дастлабки замонларида Макка аҳли икки гурӯхга ажралади. Биринчи гуруҳ – Пайғамбар (а.с.) олиб келган эътиқодни сидқ ва ишонч билан қабул қилганлар; иккинчи гуруҳ – динни ҳам, расулни (с.а.в.) ҳам инкор этганлар. Иккинчи гуруҳ мушриклар номланиб, Мухаммад алайҳиссаломдан пайғамбарликнинг исботини талаб этишган. Макка мушриклари ва Расулуллоҳ (с.а.в.) ўртгалирида бундай ҳолатлар кўп такрорланган. Мушриклар мўъжиза талаб қилишган, Пайғамбар (с.а.в.) уларга мўъжиза кўрсатганлар. Аммо ҳар сафар талаб қилганлар, талабимиз ижобат бўлса, исломга кирамиз деганлар мўъжизани кўргач, ваъдаларидан қайтганлар. Ойнинг бўлиниши (“шаққол қомар”) мушриклар талаби билан кўрсатилган мана шундай мўъжизаларнинг энг улканларидандир. Куръони каримда келади: “Қиёмат соати яқин қолди ва ой ҳам бўлинди. Агар улар (Курайш кофирлари Мухаммад алайҳиссаломнинг ҳақ пайғамбар эканликлариiga далолат қиласидан) бирор оят-мўъжиза кўрсалар (ҳам у пайғамбарга иймон келтириш ўрнига) юз ўгирурлар ва “(Бу) ҳар доимги сеҳр-ку!” дерлар”¹. “Ал-жомиъ ас-саҳиҳ”да эса бу ҳақда шундай ёзилади: “Абдуллоҳ (ибн Масъуд) розияллоҳу анху ривоят қиласидарлар:

1 Куръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. – Т.: Чўлпон, 1992. – 54: 1-2.

“Биз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга Мінода турган эдик, ой иккига бўлинди. Шунда ул зот: “(Менинг мўъжизамнинг) гувоҳи бўлингизлар!” – дедилар. Ойнинг бир бўлаги тоғ томонга кетди”¹.

Ойнинг бўлиниши ҳақида Навоий “Хамса” сидаги бадиий ах-боротларнинг асоси юқоридаги икки манба ҳисобланади. Бу маълумот шунчаки Пайғамбарни (с.а.в.) мадҳ этиш учун келтирилмайди. Ёки Макка мушриклари саркашлиги ва уларнинг Пайғамбарга (а.с.в.) етказган озорлари ҳақида тарихий маълумот бериш билангина чегараланмайди. Балки Муҳаммад алайҳиссалом образларини бир бутун тизим ўлароқ бадиий шакллантиришга, айни идеал тарихий образ моҳиятини комплекс талқин этишга хизмат қилган:

*Эмас тирноғи узра хома гар шақ,
Бўлуб бармоғи нўғидан қамар шақ,
Илик тигинки тортиб фил-ишора,
Қамар қалқонин айлаб икки пора.
Бўлуб қурси маҳи тобонни икки,
Киши андоқки бўлғай нонни икки.
Қилиб чун рўза қўнглин нонға мойил,
Ики бўлғач топиб ком икки сойил... (“Ф.Ш.”, 19-бет)*

Келтирилган байтлар юқоридаги талқинлар билан семантик уйғунлик касб этади. Жаҳоннинг яратилишига “туфайл” бўлиш, илми ладун, заминга хос илмлардан бегона бўла туриб, барча илм соҳибларига устозлик мақомини эгаллаш, башариятнинг бирор вакили чиқа олмаган мақомга чиқиши (“қоба қовсайн”) ва ойни иккига бўлиш – буларнинг барчаси бир нуқтада туташади. Яъни шунча ақл бовар қилмас ишлар инсоният саодати учун воқе бўлди. Бу эса Муҳаммад алайҳиссаломнинг инсоният тарихидаги энг улуғвор, энг улкан идеал шахс эканликларига далолат қиласи.

Тарихан идеаллилик даражасига кўра Муҳаммад алайҳиссалом образларидан кейинги ўриннинг Одам (а.с.), Нуҳ (а.с.), Иброҳим (а.с.), Исмоил (а.с.), Довуд (а.с.), Сулаймон (а.с.), Мусо (а.с.), Исо (а.с.) сингари пайғамбарлар эгаллайди. Ушбу образ-

1 Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-жомиъ ас-саҳиҳ. 2 жилд. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1996. – Б. 562.

лар, асосан, эпизодик планда келади ва қуидаги сабаблар юзасидан тилга олинади: а) Мұхаммад алайхиссаломға хос бирор фазилатни таъкидлаш учун (илк ибтидо, илк аждод муносабати билан – Одам алайхиссалом; илохий жазо муносабати билан – Нуҳ алайхиссалом; идеал аждодлар, насл-насад муносабати билан – Иброҳим, Исмоил алайхиссалом; мўъжизалар муносабати билан – Мусо, Исо алайхиссаломларга қиёс қилинади); б) китоб туширилиши муносабати билан (Довуд (а.с.) “Забур”, Мусо (а.с.) “Таврот”, Исо (а.с.) Инжил); в) ислом тариҳида рўй берган бирор муҳим ҳодиса далили сифатида (тўфон, Каъбатуллоҳнинг қурилиши, Тур тоғидаги воқеа, денгизнинг бўлиниши ва ҳ.к.); г) башарият ҳаётидаги аҳамияти нуқтаи назаридан (тилга олинган барча пайғамбарлар); д) “Хамса”-даги бирор образ моҳиятини очиш учун (Фарҳод, Мажнун, Искандар ва ҳ.к.). Аммо Мұхаммад алайхиссаломдан бошқа пайғамбарлар ҳақидаги бадиийлаштирилган тарихий маълумотлар “Хамса” семантикаси учун восита функциясини бажаради. Улар, асосан, “Хамса”даги муайян концепцияни тасдиқлайди, инкор этади, тўллдиради, далиллайди. Шу тариқа муаллиф бадиий идеалининг бир бўлاغи ўлароқ асар семантикасига сингиб кетади.

Адабиётлар

1. Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Таржимон Алоуддин Мансур. – Т.: Чўлпон, 1992.
2. Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр (насрый баёни билан) / Таҳрир ҳайъати А. Қаюмов ва бошқ. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989.-352 б.
3. Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин (насрый баёни билан) / Таҳрир ҳайъати А. Қаюмов ва бошқ. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989.-246 б.
4. Алишер Навоий. Лайли ва Мажнун / насрый баён В.Рахмонов, Н.Норқулов. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1990. – 365 б.
5. Алишер Навоий. Сабъаи сайёр (насрый баёни билан) / Таҳрир ҳайъати А.Қаюмов ва бошқ. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991. – 544 б.
6. Алишер Навоий. Садди Искандарий (насрый баёни билан)

/ Таҳрир ҳайъати А. Қаюмов ва бошқ.-Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991.-832 б.

7. Алишер Навоий. Лисонут-тайр (насрий баёни билан) / Таҳрир ҳайъати А. Қаюмов ва бошқ.-Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991.-464 б.

8. Бахтин М.М. Проблемы поэтики Достоевского. – М.: Сов. писатель, 1963.

9. Жўрақулов У. (2023). “Илми балоғат”нинг маншаъи. Sharq-u G’arb renessans adabiyoti: Navoiy va Shekspir Mavzuidagi Xalqaro Ilmiy-Nazariy Konferensiya Materiallari, 1(1). извлечено от <http://universal-adabiyotshunoslik.tsuull.uz/index.php/conference/article/view/2>

10. Жўрақулов У. Алишер Навоий “Хамса”сида хронотоп поэтикаси. – Т.: Турон-Иқбол, 2015.

11. Жўрақулов У. “Лисон ут-тайр”да хронотоп шакллари / Назарий поэтика масалалари: Муаллиф. Жир. Хронотоп. – Т.: Faafur Fулом номидаги НМИУ, 2015.

12. Кун Н.А. Легенды и мифы древней Греции. – Алма-ата: Жалын, 1985.

13. Лосев А.Ф. Античная мифология в ее историческом развитии. – М.: Государственное учебно-педагогическое издательство министерства просвещения РСФСР, 1957.

14. Лотман Ю.М. Слово и язык в культуре Просвещения. – М., 1987–1989.

15. Матье М.Э. Древнеегипетские мифы. – М–Л.: Издательство Академии Наук СССР, 1956.

16. Новый словарь иностранных слов. – by EdwART. – М., 2009.

17. Навоий асарлари луғати. Тузувчилар П.Шамсиев, С.Иброҳимов. – Т.: Faafur Fулом номидаги АСН, 1972.

18. Рифтин Б.Л. От мифа к роману. Эволюция изображения персонажа в Китайской литературы.-М.: Главная редакция восточной литературы, 1979.

19. Словарь русского языка: В 4-х т. / РАН, Ин-т лингвистич. исследований; Под ред. А. П. Евгеньевой. – М.: Рус. яз., 1999.

20. Словарь иностранных слов. Составитель Комлев Н.Г. – М., 2006.

21. Сирожиддинов Ш. Жизнь и творчество Алишера Навои, гуманистические идеи в его произведениях //Infolib: Информационно-библиотечный вестник Учредители: Общество с ограниченной ответственностью с участием иностранного капитала "E-LINE PRESS". – №. 1. – С. 66-71.
22. Сирожиддинов Ш. Ўзбек мумтоз адабиётининг фалсафий сарчашмалари / Монография. – Т.: Янги аср авлоди, 2011. – 200 б.
23. Темкин Э.Н., Эрман В.Г. Мифы древней Индии. – М.: Главная редакция восточной литературы, 1982.
24. Философский словарь. Под редакцией И.Т.Фролова. – М.: Изд. Политлит., 1987.